



№ 39  
2020-yil, 4-noyabr  
Chorshanba (32.634)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

# O'zbekiston ovozi

## МАКТАБ БИЛАН ЎҚИТУВЧИНИНГ НУФУЗИ ЮКСАЛАДИГАН БЎЛДИ



Гофиржон МУХАМЕДОВ,  
Чирчиқ давлат педагогика  
институтининг ректори:

— Таълим тизимини тубдан ислох қилиш буйича мамлакатимиз раҳбари томонидан қатор қарор ва фармонлар қабул қилинмоқда. Ҳозир жамоатчилик муҳокамасига қўйилган "Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Фармони лойиҳаси ана шулар жумласидандир. Фармонда:

- таълим-тарбиянинг амалдаги ҳолати, янги авлод кадрларини тайёрлашда уларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини янада ошириш;
- замон талабларига жавоб берадиган ўқув адабиётларини яратиш;
- мактабгача ҳамда халқ таълими тизимига тегишли муассасаларнинг малакали педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш;
- таълим-тарбия муассасалари ходимлари ва профессор-ўқитувчиларнинг нуфузини ошириш ҳамда уларни фаолияти самарадорлигига қараб моддий рағбатлантириш;
- таълим соҳасига хусусий секторларни жалб этиш;
- ахборот технологияларини самарали қўллаш;
- таълим ташкилотларини нуфузли халқаро рейтингларда муносиб ўринга эга бўлишларини таъминлаш буйича изчил чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларини кўрсатиб ўтилган.

Шу маънода ушбу Фармон лойиҳаси таълим тизимида янги даврни бошлаб беради, десак, муболаға қилмаган бўламиз. Буни айрим жиҳатлар билан асослаш мумкин. Жумладан, 2019-2020 ўқув йили буйича Тошкент вилоятида халқаро тажрибалардан фойдаланган ҳолда 4 та кўрсаткич буйича умумтаълим муассасалари рейтингини аниқланди. Булар:

1. Битирувчи ўқувчиларнинг умумтаълим фанлари буйича таълим тайёрларлик даражаси ва сифат кўрсаткичи;
2. 9-синф ўқувчиларининг билим даражаси;
3. Олий ва биринчи тоифали ўқитувчилар улуши;
4. Умумтаълим муассасасининг ўқувчилари ва педагог жамоаси ўртасида ўтказилган сўровнома.

Сўровнома натижалари буйича асосан республикамизнинг 10 фоиз умумий ўрта таълим муассасалари (мактаблар) фаолияти таҳлил қилинди. 2020 йил 1 июль ҳолатига кўра, энг юқори ўринларни Бухоро, Наманган ва Хоразм вилоятлари, қуйи ўринларни Сирдарё, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари эгаллашди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бугунги кунда Тошкент вилоятидаги таълим муассасаларида 5 мингдан ортиқ (15 фоиз атрофида) педагоглар олий маълумотга эга эмас. Шунингдек, 2019-2020 ўқув йилида 11-синфни 35 минг 709 нафар ўқувчи битирган бўлса, улардан 8 минг 215 нафари (23 фоиз) олий таълим муассасаларига ўқишга кирган.

Тошкент вилоятининг таълим муассасаларини халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли педагогик кадрлар билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги қарори билан Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этилди. Жорий йилда институтнинг 16 минг нафардан ортиқ талабаларига 500 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчи тахсил бериб келмоқда. Хусусан, 2020 йилда институтнинг махсус сиртки таълим шакли буйича 1000 нафардан ортиқ битирувчилари вилоят мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим масканларида ўз фаолиятларини давом эттирмоқда.

2020-2021 ўқув йилида эса институт вилоят таълим-тарбия муассасаларини 2000 нафарга яқин олий маълумотли кадрлар билан таъминлашни назарда тутган. Бу жараён таълим сифатида кадрлар салоҳияти, педагогик билим мустаҳкамлигини тақозо этадиган ижтимоий жараён ҳисобланади ва у институт олдига жиддий талабларни қўяди.

Фармон лойиҳасини ўрганиб, таҳлил қилиш Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг куйидаги 3 та стратегик йўналиш буйича ишларни ташкил этиш, жорий қилиш ва натижага эришиш имконини беради:

1. Педагогик таълим ва тарбиянинг инновацион кластери тизимини ривожлантириш.
2. "Эшитдим-кўрдим-бажардим" педагогик тамойили асосида таълим ва тарбия узвийлигини таъминлаш.
3. "Ўрганамиз-ўргатамиз" педагогик лойиҳанинг самарали усул ва воситаларини ишлаб чиқиш.

Фармон лойиҳаси асосида шаклланган ушбу стратегик йўналишлар институтда "Илмдан — билимга", "Тарбиядан — таълимга", "Тикланишдан — юксалишга" деган ғояга асосланган ҳолда таълим сифатини яхшилаш, замонавий педагог кадрларни тайёрлаш ҳамда муносиб таълим ва тарбия муҳитини яратишда муҳим аҳамият касб этади. Президент Фармони лойиҳасида мамлакат тараққиёти учун янги ташаббус ва ғоялар билан майдонга чиқиб, уларни амалга оширишга қўдр бўлган, интеллектуал ва маънавий салоҳияти юксак янги авлод кадрларини тайёрлаш, таълим ташкилотлари битирувчилари замонавий касб эгалари бўлишлари учун уларда зарур кўникма ва билимларни шакллантириш Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида кўрсатиб ўтилган. Шундан келиб чиқиб, институтнинг стратегик йўналишлари доирасида Чирчиқ шаҳридаги умумтаълим мактаблари билан физика, математика, психология, биология, инглиз тили, ўзбек тили ва адабиёти, тарих фанларини ўқитиш сифатини яхшилаш буйича ҳамкорликда "Таълимда Чирчиқ тажрибаси" лойиҳаси бошланди. Ушбу лойиҳа Халқ таълими билан Олий таълимни бир-бирини тўлдирувчи, ягона мақсадга йўналтирилган бўғинлар орасидаги узвийлик ва узлуksизлиқни таъминлашдек долзарб ишларни амалда бажаришга қаратилган. Бу билан замонавий дунёқарашга эга педагог кадрларни тайёрлаш орқали Президентимиз илгари сураётган учинчи Ренессанснинг пойдеворига хисса қўшган бўламиз.

### МУНОСАБАТ

## «Учинчи Ренессанс»га Элтгувчи йўл

Барчамизга маълумки, 2016 йилдан бери Ўзбекистонда таълим тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш мақсадларига катта куч ва маблағлар йўналтириб келинмоқда. Мактабгача таълим, мактаб ва олий таълим тизимлари, илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятида сифат ўзгаришлари яшаш давлатимизнинг бош мақсадларидан бирига айланди. Шу сабабли таълим тизими бугунги кунда ўзининг барқарор юксалиш йўлига кирмоқда.

Яқинда Президентимиз раислигида мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси буйича видеоселектор йиғилишини диққат билан кузатдим. Тўғриси, бу йиғилишда республикамизни дунёнинг илғор мамлакатлари қаторига олиб чиқиш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, миллий иқтисодий ва ижтимоий соҳани етук кадрлар билан таъминлашнинг асосий бўғини ва манбаи бўлган таълим тизими фаолиятини тубдан яхшилаш ва уни дунё стандартлари даражасига олиб чиқиш буйича янги таклифлар илгари сурилди. Бу йиғилишда иштирок этиш жараёнида ва ундан кейин ҳам бир зиёли сифатида Президентимизнинг "Биз устозни отадай улуғ деб билган, доимо ардоқлаган маърифатпарвар халқнинг вакилларимиз. Мен ҳам ўқитувчи, муаллим деганда, ўзим учун энг азиз ва ҳурматли бўлган, зиёли ва замонавий, самимий ва меҳрибон инсонларни тасаввур қиламан. Чунки ҳаммамизга ҳам шу муаллим сабоқ ва таълим бериб, меҳрибон ота-оналаримиз қаторида тарбиялаган. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даври пойдеворини яратяпмиз. Бунда бизнинг энг яқин кўмакчиларимиз устоз ва мураббийлар, илмий ва ижодкор зиёлилардир", деган сўзларидан чинакамига тўлқинландим.

Давоми 2-бетда. ▶



### ОБУНА — 2021

«Ўзбекистон овози» газетасига обуна давом этмоқда

Мурожаат учун телефонлар:  
71 233-65-45, +99891 162-72-81,  
71 236-74-33

### ОБУНА ИНДЕКСИ — 220

### ҚАТОР ДАВЛАТ КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ ХУСУСИЙ СЕКТОРГА СОТИЛАДИ

|   |  |  |
|---|--|--|
| <p>✓ 32 ТА</p> <p>корхоналар ва бирлашмалар трансформация қилинади:</p> <p>Хар бир корхона танлов асосида халқаро консалтинг ташкилотлари жалб қилинган ҳолда <b>молиявий соғломлаштирилади</b></p> | <p>✓ 39 ТА</p> <p>давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарув ва молиявий аудит жорий этилади:</p> <p>Корхоналарнинг барча инвестиция лойиҳалари <b>хатловдан ўтказилиб</b>, бошланмаган ҳамда молиявий манбалари аниқ бўлмаган лойиҳалар тўхтатилади</p> | <p>✓ 62 та</p> <p>корхоналарнинг давлат улушлари инвестициявий жозибадорлигини ошириш орқали оммавий савдоларда сотилади</p> |
| <p>✓ 15 та</p> <p>давлат кўчмас мулк объектлари хусусий секторга сотилади</p>   | <p>КУЙИДАГИЧА ТАРТИБ ЎРНАТИЛАДИ</p>  |  |
| <p>✓ Давлат объектларини "ноль" харид қийматида сотиш амалиёти бекор қилинади</p>   | <p>✓ Улар инвестиция ҳамда ижтимоий мажбуриятлар асосида "1 сўм" бошланғич қийматда оммавий савдоларга чиқарилади</p>  | <p>✓ Давлат активларини сотиб олувчилар <b>тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш</b> шартли асосида амалга ошириши мумкин бўлади</p>  |
| <p>✓ Рақобат муҳитига таъсир қиладиган <b>имтиёз ва преференциялар хатловдан ўтказилиб</b>, уларни бекор қилишни назарда тутувчи қарор лойиҳаси ишлаб чиқилади</p>                                  |  |  |

МАНБА: ПФ-6096-сон (27.10.2020 й.) @huquqiyaxborot

Таълимнинг STEM моделини чуқур ўрганиш ва уни босқичма-босқич жорий қилиб бориш керак.

# «Учинчи Ренессанс»га элтувчи йўл



**Жулибой ЭЛТАЗАРОВ,**  
“Ипак йўли” туризм халқаро университети биринчи проректори, профессор:

— Мен қарийб 35 йилдан бери олий таълим соҳасида фаолият кўрсатиб келаяман. Бу муддатнинг 15 йилга яқини Жанубий Корея, Германия, Япония, Туркия каби мамлакатлардаги етакчи университетларда ўтди. Таълим, айниқса, олий таълим соҳасида дунё тажрибаси билан анча-мунча танишман.

Мамлакатимиз раҳбарининг дунёдаги замонавий ўқув дастурлари, ўқитиш методикаларини ўрганиб, юртимиз таълим муассасаларида жорий қилиш муҳимлиги ҳақидаги фикрлари алоҳида эътиборга сазовордир. Чунки, ҳар бир юксак тараққиётга эришишни истаган мамлакат ҳар доим ўз таълим тизimini, айниқса, мактабни дунёдаги илгор тажрибалар билан бойитиб бориши зарур. Глобаллашув даврида эса бу аксиомадек ҳақиқатга айланади. Президентимизнинг ана шу илҳомбахш фикрларидан руҳланиб, дунёдаги ўрта умумтаълим ва олий таълимдаги энг прогрессив шакллар ҳамда уларни мамлакатимизга трансформация қилиш хусусидаги фикрларимни баён қилишга жазм этдим.

### STEM модели

Маълумки, 21-асрнинг 20-йиллари дунёда рақамли технологияга асосланган “Тўртинчи сановат инжиқлиби” тўлиқ амалга ошган ва у “Биринчи дунё” мамлакатларининг дунёда тўла устуңлигини таъминлаган даврдир. Технологиянинг “девлари” — АҚШ, Япония, Европа Иттифоқи ва ХХР бугунги позицияларига кўп жиҳатдан фан ва техника тараққиёти эркин бозор муносабатлари билан максимум уйғунлаштирилганлиги туфайли эришдилар. Бу муваффақиятларнинг замирида эса таълимни интенсификация қилиш ва оптималлаштириш ётибди. Етакчи технологик давлатлар (ҳатто Россия ва Туркия каби улардан кейинги ҳалқадагилар ҳам) классик таълим билан бир қаторда илм-фан ва технология тараққиёт учун кадрлар, инсон капиталини интенсификация қилишга ҳисса қўладиган таълим шакллари жорий қилдилар. Булардан бири STEM таълимидир. Бу таълим STEM таълими, аниқ фанлар (science), технология (technology), муҳандислик (engineering) ва математика (mathematics) каби жуда муҳим тўртта фани биргаликда ўқитиш моделидир.

Юқорида кўрсатилган соҳаларда билимдон ва муваффақият қозона оладиган STEM модели ўқувчи ва талабаларга ҳаётдаги ҳар қандай вазият ва муаммони назоратга олиб, ечишини бир математик-антиквий йўли борлигини, бу йўл-йўриққа кўра бошқаларга нисбатан оригинал ечимни таклиф қилиш, фарқли тафаккур қилиш ва фарқли ечим вариантларини таклиф қила олиш қобилиятини шакллантиради.

Бу моделни болалар боғчасидан то олий таълимгача жорий қилиш мумкин. Бу асло ақли болаларни селекция билан ажратиш олиш эмас, балки ўзида иштиёқ бор ўқувчи ва талабаларнинг барчасини шу интенсив ва прагматик таълим тури билан мутахассисликка тайёрлашдир.

Бу моделга ўтилган таълим муассасаларида талабаларнинг фанлар, математика ва технология соҳаларида орттирган билим ва кўникмалари уларнинг амалий ҳаётдаги муаммоларини ҳал қилиш малакасини шакллантиради. Яъни бу моделнинг яққол кўриниб турадиган афзаллиги — ўқувчи ва талабаларга кундалик ҳаётда, касбий, илмий-тадқиқотчилик фаолиятида бирдай қўллаш мумкин бўлган билим, кўникма, маҳорат ва квалификацияни шакллантиришдир. Шу сабабли таълимнинг STEM моделини чуқур ўрганиш ва уни босқичма-босқич жорий қилиш бориш керак.

STEM моделининг саноат, тил-адабиёт (Art) билан уйғунлаштирилган STEM шакли ҳам бор. Бу модель эса илмий-гуманитар соҳаларда етакчи мутахассис тайёрлашни кўзда tutади.

STEM модели ана шу жиҳатдан илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ҳамда илмий-тадқиқотларни дунё стандартлари даражасига кўтариш учун республикамизга жуда кераклидир.

### Илмий-тадқиқот университети концепцияси

Илмий-тадқиқот университети концепцияси 19-аср охирида Германияда пайдо бўлган, унинг асосчиси Вилгельм фон

Гумбольдт бўлиб, у “таълим ва илмий изланишлар бирлиги” гоясини олий таълим асосига қўйилишини ёқлаган.

1990 йиллар охирида дунёда “тўртинчи сановат инжиқлиби” ва рақамли технологиялар даври бошлангач, таълимни илмий тадқиқотлар билан яқинлаштириш ёки уни инновацион технологиялар яратиш билан баробар олиб бориш эҳтиёжи вужудга келди (сановат ишлаб чиқаришини рақамли технологиялар асосига қўйиш, жамиятнинг электрон усуллари, бошқариш ва аҳолига давлат хизматини онлайн режимга кўчириш, транспорт, алоқа, тиббиёт, таълимни инновацион асосда янгилаш, кундалик эҳтиёж товарлари (компьютер, телефон, автомобиль, маиший электрон асбоблар) ни янги-янги авлодларни яратиш узлуксиз жараёнга айланиши учун ҳам табиий, аниқ, техника фанларини ҳамда гуманитар фанларни реал ишлаб чиқариш ва илмий-технологик ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб бориш эҳтиёжи дунёда “илмий-тадқиқот университети” концепциясининг замонавий талқинини ишлаб чиқишга ва олий таълимни янгилаш тафаккур қилишга ундади.

Шу сабабли ҳозирда Америкадаги 4000 дан ортиқ университетнинг 220 таси (18%) “илмий-тадқиқот университети” шаклидадир. Хитойда 3000 университет ва институтнинг 100 таси (3%) ана шу мақомага эгадир. Англия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Тайвань каби мамлакатларда ҳам “илмий-тадқиқот университети” сони тибора ошиб бормоқда.

Илмий тадқиқот университети “турли фанлар соҳаларида алоқадор янги билимларни яратиш ва тарқатиш вазифасини ўз устига олган ҳамда тегишли лабораториялар, кутубхоналар ва энг юқори савияда таълим бериш ва илмий тадқиқотларни олиб беришга имкон берадиган бошқа инфратўлиналарга эга бўлган таълим ва илмий муассасалар”, деб таъриф берилади. Тадқиқотчи Жон Тэйлор муваффақиятли фаолият кўрсатадиган “илмий-тадқиқот университети” 6 та характерли белгисини қуйидагича ифодалайди:

- Соф, оригинал ва амалий тадқиқотларнинг мавжуд эканлиги;
- Илмий-тадқиқотларга ўргатишга йўналтирилган таълимнинг мавжудлиги;
- Уқув фанлари қамровининг кенглиги;
- “Олий ўқув” юртидан кейинги таълим дастурларининг кўплиги;
- Ташқи (илмий-тадқиқотлар ва кадрлар тайёрлашдан) келадиган даромадларнинг кенглиги
- Халқаро алоқалар ва халқаро истиқбол.

### Халқаро тажрибадан фойдаланиш

Германия Федератив Республикасида илмий-тадқиқот университети сифатида ташкил этилган Берлин Фрей университети (Freie Universität Berlin) 1960-йиллардаёқ Германиянинг илгор индустрияси ва техникаси учун технология ва кадрлар тайёрлаш мақсадида Фарбий Берлинда ташкил этилган эди (бу университетда 2005 йилда профессор сифатида ишлаган ва тадқиқотлар олиб бorgan эдим).

Бу университетда анъанавий факультетлар йўқ, балки департаментлар (булимлар) бор, бу булимлар фан ва техниканинг долзарб йўналишларини ҳисобга олиб тузилган, уларнинг таркибида эса таълимни илмий текширишлар билан қўшиб олиб борадиган институтлар мавжуд (2005 йилда 57 институт бор эди).

Жумладан, қуйидагилар: Биология, химия ва фармацевтика бўлими (Department of Biology, Chemistry, and Pharmacy);

Ер ҳақидаги фанлар бўлими (Department of Earth Sciences);

Таълим ва психология бўлими (Department of Education and Psychology);

Тарих ва маданият тадқиқотлари бўлими (Department of History and Cultural Studies);

Ҳуқуқ бўлими (Department of Law);

Математика ва компьютер фанлари бўлими (Department of Mathematics and Computer Science);

Философия ва Гуманитар фанлар бўлими (Department of Philosophy and Humanities);

Физика бўлими (Department of Physics);

Сийёсий ва илмий-иқтисод бўлими (Department of Political and Social Sciences);

Ветеринар медицина бўлими (Department of Veterinary Medicine);

Бизнес ва иқтисод мактаби (School of Business and Economics);

Тиббиёт мактаби — Харите Берлин медицина университети (School of Medicine: Charité - University Medicine Berlin).

Энди департаментлар таркибидаги институтларга эътибор берайлик, жумладан, Биология, химия ва фармацевтика бўлими (Department of Biology, Chemistry, and Pharmacy) таркибида Биология институти (Institute of Biology), Химия ва биохимия институти (Institute of Chemistry and Biochemistry), Фармакология институти (Institute of Pharmacy) мавжуд.

Математика ва компьютер фанлари бўлими (Department of Mathematics and Computer Science) таркибида Тадқиқот гуруҳи (Research group); Математика институти (Institute of Mathematics) ва Компьютер фанлари институти (Institute of Computer Science) мавжуд. Тадқиқот гуруҳи

(Research group) таркибида ёш математиклар мактаби, рақамли медиа лабораторияси ва DFG грантларини бажариш маркази бор.

Фрей университетининг ҳар бир институти эҳтиёжга қараб, ҳар йили ўртача 25-50 бакалавр талаба, 20-25 нафар магистр талаба, 10 тагача докторантурага тадқиқотчилар олади. Бакалавриятнинг 2-курсидан бошлаб талабалар илмий-тадқиқотларга жалб этилади, магистратурадаги диссертация мутлақо оригинал тадқиқот бўлиши керак, докторлик эса янги технология, гоя, назария ёки амалий ишланма бўлиши керак.

Илмий-тадқиқот университети фил суягидан ясалган минора эмас, у жамоянинг коллектив асаридир. Ундаги тадқиқотлар университет ташқарисиданги манбалар томонидан ва бюртмачилар тарафидан молиялаштирилади. Тадқиқот университети жуда мураккаб ва кўп қиррали таълим ва илм-фан муассасаси бўлиб, кўплаб илмий-роллари бажаради.

Япониянинг Киото, Токио, Осака, Цукуба, Кейо университетларининг ишлаш тартиби ҳам илмий-тадқиқот университети каби дейиш мумкин. Масалан, Киото университети 7 миллиард долларлик бюджетнинг 3 миллиардин илмий тадқиқотларни бозорда реализация қилиш билан шакллантиради (талабалар сони 7.5 минг, профессор-ўқитувчилар, техник ходимлар сони — 2.500 киши).

Айтиш лозимки, илмий-тадқиқот университети универсал модели йўқ, ҳар бир мамлакатда у маҳаллий таълим аъёналаридан ва жамиятнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда шаклланади, у таълим ва илм-фаннинг синергиясини бирлаштириш тарафидан барча мамлакатлар учун муҳим бир моделдир.

Мамлакатимиздаги анъанавий етакчи ОТМлар — Миллий университет, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти, Тошкент техника университети, Самарқанд давлат университети, Кимё технологиялари университети, Бухоро давлат университети кабиларни “илмий-тадқиқот университети” мақомида ривожлантириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Жамиятимизда Юртбошимизнинг ташаббуслари билан бошланган очликлик ва демократиялаш жараёнлари олий ўқув юртиларини четлаб ўтмаслиги керак. ОТМ тизими кафедралардан то вазирликкача бўлган даражада демократиялаш ва очликликка, шаффоф бошқарувга муҳтож, бу соҳада тегишли ислохотларни амалга оширишни кечга суриб бўлмайди.

Энг аввало университетлар автономияси деган шартли ном билан ОТМларнинг ўзини ўзи бошқариши ва фақат бозор талабига кўра мутахассис-кадрлар тайёрлаш тизимига ўтиш лозим. Бу тизимга кўра жамият, давлат ва бозор эҳтиёжига ва талабига кўра, юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун ОТМлар узларига хос бўлмаган мажбуриятлардан мутлақо холи бўлиши керак. Шунингдек, ОТМлар ўз ректорларини, деканларини, кафедра мудириларини, Илмий ва Илмий-техник кенгашларини ўзлари очик, тенг ва шаффоф сайловларда табиий танланиш йўли билан сайлаши лозим.

ОТМларни уларнинг ўқув-илмий салоҳияти, аъёналари ва бошқа параметрларига кўра, рангларга, табақаларга ажратиштириш, шунга кўра, уларнинг фаолияти молиялаштирилиши керак. Ранги, даражаси юқори ОТМларга нисбатан мустақиллик берилиши, унинг ишлаб топган маблағлари 100 фоиз ОТМда қолдирилиши керак бўлади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги яқинда бу хусусда муҳим одимларни ташлади: олий таълим муассасаларининг миллий рейтингини сўнги 5 йил давомида доимий равишда биринчи 3 та ўридан бирини эгаллаган ОТМларга олий маълумотли кадрлар тайёрлаш бўйича академик ва молиявий мустақиллик берилиши таълим маълумотидаги Жумладан, академик ва молиявий мустақилликни белгилашда халқаро таъриф ва стандартларга асосланилади, яъни мустақиллик мезонлари Европа университетлари ассоциацияси стандартларига мувофиқ қабул қилиниши белгиланди. Жойлардаги ОТМларнинг ташаббуси ва иштирокчиларини қўллаб-қувватлайдиган бундай ҳаракатлар бошқа параметрлар бўйича ҳам давом эттирилиши керак.

Шу каби, мамлакатимиздаги элита ОТМ билан провинциал ОТМ ўртасида фарқ бўлиши ва бу фарқ маошда ҳам, инфраструктурада ҳам акс этиши керак. Ушунда элита ОТМларга жамият ва давлатнинг энг долзарб масалаларини ҳал қилиш мақсадида, мамлакатга керак энг зарурий технологияларни ишлаб чиқишни топшириш мантикий бўлади. Ҳозирги бир текисчилик сийёсати жойларда ташаббусни сундираётгани ҳеч кимга сир эмас.

Мамлакатимизнинг таълим тизими улкан ва инжиқлиб ўзгаришлар оstonасида турибди. Таълимнинг барча поғоналарида амалга ошириладиган ислохотлар давр талаби, янги Ўзбекистонни барпо этишдаги энг муҳим ва долзарб вазифадир. “Бу — илмлар давомида кўринмайдиган, аммо натижаси яқин 10-15 йилда бутун мамлакат киффасини тубдан ўзгариштиришга асос бўладиган қудратли манба”, дея таъкидлаган эди Юртбошимиз ўша тарихий йилгида. Ҳақиқатан ҳам шундай. Тарихимиздаги “учинчи Ренессанс”га олиб борадиган йўл таълим, илм-фан ва илгор технологиялар орқали ўтади.

### МУНОСАБАТ

# БИР БОЛАГА БУТУН ЖАМИЯТ ОТА-ОНА



**Мавжуда ҲАСАНОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты:

— Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ўз раҳбарлигининг илк кунлариданқоқ янги Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини белгилаб берар экан, асосий эътиборни таълим-тарбия тизимига қаратиб келмоқда.

Авалло тизим мажбурий меҳнатдан халос қилинди, ўқувчи ҳам, ўқувчи ҳам ўзи иши, ўқиши билан машғул бўладиган бўлди. Ўқитувчи нафақат моддий манфаатдор бўлмоқда, балки унинг устоз сифатида қадрли, масъулияти ҳам ортиб бормоқда.

Мен мактабда 19 йил фаолият олиб борган педагог сифатида шунга айтмоқчиманки, ҳатто мактаб жамоаси билан бирга «1 октябрь — ўқитувчилар байрами кунини» ҳам пахта даласида ўтказардик. Туман марказидан 30 км узоқдаги мактабда оддий ўқувчи бўлиб иш бошлаганман. Кейин ўқув ишлар бўйича директор ўринбосари, директор вазифаларида ишладим. 1993-2000 йиллар оралигида мактабни қўл ўқитувчилар ташлаб, ўзини бизнесга уриб кетди. Чунки мактабларда ўқитувчининг ойлик маоши жуда паст эди. Бунинг устига, ўқитувчилар қишлоқ хўжалиги ишидан тортиб, кўчаларни тозалаш ишига жалб қилинарди. Мактаб директори бўлиб ишлаган давримда пахта топшириш учун пахта пунктида қолиб кетардик. Ҳатто мактабларга 1-1,5 қути пилла қурти ҳам бериларди.

Бугун вазият тамоман ўзгарди: ўқитувчи фақат ўқитувчиликни қиладиган бўлади, ойлик маошлар кескин оширилди, шаъни, қадрли ҳимоя қилинадиган бўлди. Бу чора-тадбирлар

ўқитувчининг жамиятдаги обрўсини оширмоқда. Бироқ мактаблар билан боғлиқ қатор муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Мактабларда кадрлар етишмаслиги ҳамон муаммолигича қолмоқда. Рус тили, инглиз тили, математика, кимё фани мутахассислари, етишмайди. Кадр етишмаганлиги, айниқса, инглиз тили фани мутахассиси бўлмаганлиги сабабли, университетда ўқибтган 3-4 курс талабалари билан университет орқали шартнома қилиб, мактабга жалб қилганмиз, рус тили фани ўқитувчиларини эса шаҳар марказидан 2 кунга олиб келиб, дарс ўтишини илтимос қилганмиз.

Мактабларда спорт залларининг таъмирталаб бўлиб қолганлиги ёки айрим мактабларда спорт залларининг умуман бўлмаслиги, спорт анжомлари етишмаслиги ташвишли ҳолатлардандир. Кимё, биология, физика фанлари учун лаборатория хоналаридаги жиҳозларнинг маънаван эскирганлиги таълим сифатида бевосита ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Яна бир муҳим муаммолардан бири, синф раҳбарлар учун бериладиган ойлик маош масаласидир. Синф раҳбари кун давомида мактабда бўлиши, ўқувчини назорат қилиши, дарсга келмаган ўқувчининг уйига бориб, ота-онаси билан учрашиши каби талаблар борлиги сабаб кўпчилик ўқитувчилар синф раҳбарлигидан ўзини олиб қочади.

Шу боис ҳам синф раҳбари меҳнатини адолатли баҳолашни йўлаб қўриш керак бўлади. Ўқитувчиларга тоифа бериш тизимини ҳам соддалаштириш кераклигини муҳтарам юртбошимиз таъкидлаб ўтди. Менинг таъкидлашим: ўқитувчи тоифа беришда ўқувчиларнинг билим даражасига қараб бериш, тест саволлари ўз мутахассислигига тааллуқли бўлиши керак. Ўқитувчи малакасини мунтазам ошириш йўлга қўйилиши зарур. Дарс ўтиш методикасини янгилаш ташаббусини эса тўла қўллаб-қувватлайман.

Бугун биз ўқитувчининг мақомини белгилаш ҳақида йўллай бошладик. Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланганини англадик. Президентимизнинг “Таълим-тарбия масаласига ҳаёт-мамонт масаласи, деб қараб халққа маслаҳат солаётгани, тизимдаги муаммоларни шаффофлик билан муҳокама қилинаётгани, қандай маълумот, қайси касб эгаси бўлмасин, ҳеч бир инсонни бефарқ қолдирмаслиги керак, деб ўйлайман.

Бугун биз ўқитувчининг мақомини белгилаш ҳақида йўллай бошладик. Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланганини англадик. Президентимизнинг “Таълим-тарбия масаласига ҳаёт-мамонт масаласи, деб қараб халққа маслаҳат солаётгани, тизимдаги муаммоларни шаффофлик билан муҳокама қилинаётгани, қандай маълумот, қайси касб эгаси бўлмасин, ҳеч бир инсонни бефарқ қолдирмаслиги керак, деб ўйлайман.

Учинчи Ренессанс гоялари билан қуролланиб, миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари интилишларимиз таълим соҳасининг уйғониши билан ҳамнафас кетмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан

соҳасини жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармон лойиҳаси шу кунларда кенг муҳокама қилиниб, соҳага оид тақлифлар бериломоқда.

Ҳар бир ота-она жондан ази фарзандини катта умид ва ишонч билан ўқитувчи тизим жорий қилиниши керак. Бу тизимнинг маъносини шуки, “бир болага бутун жамият ота-она”.

Шу билан биргаликда ота-онанинг ўз фарзандлари учун масъулигини алоҳида банд билан қонуний мустақамлаб қўйиш керак. Бинобарин, боласининг қобилияти, руҳияти, таълим-тарбиясига мутлақо қизиқмайди-ган ота-оналар бор.

Биз ўқитувчининг мақоми ҳақида гапирармиз. Лекин ўқитувчи аввало ўзининг қилганини ўзи билиши керак. Нафақат мактабда, дарсда, балки кўча-қўйда, тўй-маъракада, бозор-ўчарда ҳам унинг хатти-ҳаракатида билими, мураббийлик сифати сезилиб, кўриниб туриши зарур. Шу сабаб, ўқитувчига қўйиладиган талаб ва масъулият ҳам алоҳида белгила-ниши керак.

Ўқитувчи кадрларни ишга олишда ҳам аниқ бир тизим жорий қилиниши лозим. Чунки, унинг олий маълумоти хали унинг мутахассис бўлиб етишганини англатмайди. Бошланғич синфларданқоқ боланинг қизиқиши ва паёқати қўзғатилган бўлиши зарур. Шунга қараб иқтидор ва истеъдодларини ажратиб, боланинг бир йўналишда таълим олишини таъминлаш зарур.

Дарсдан кейинги тўғралоқларда фақатгина олий маълумотли эмас, балки ўрта умумий маълумот эгаси бўлса-да, қизиқиши бор, билимли, таъбираний ёшлар ҳам машғулот олиб бориши мумкин.

Президентимизнинг “Таълим-тарбия масаласига ҳаёт-мамонт масаласи, деб қараб халққа маслаҳат солаётгани, тизимдаги муаммоларни шаффофлик билан муҳокама қилинаётгани, қандай маълумот, қайси касб эгаси бўлмасин, ҳеч бир инсонни бефарқ қолдирмаслиги керак, деб ўйлайман.

# ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАСИ

давлатнинг ҳам, жамиятнинг ҳам энг муҳим ишидир



**Дилором ИМОМОВА,**  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Кишининг келажақда қандай инсон бўлиши, шахс сифатида камол топиши, касб танлаши, оруз-хавасларини рўйи биринчи навбатда у айнан қандай таълим олишига боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ислох қилиш, фарзандларимизнинг жаҳон андозлари даражасида замонавий билим ва касб-хунар эгаллаши, кадрлар тайёрлаш сифатини илгор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу жаҳадаги эзгу шаъ-ҳаракатлар бугун ҳам изчил, шиддатли давр талабига ҳамохан тарзда давом эттирилмоқда.

Бугун бу масала жамоатчилик томонидан энг кўп муҳокама этилаётган мавзуга айланди. Таълим соҳасида ислохотлар самардорлигини ошириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Таълим тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш мақсадларига катта куч ва маблағлар йўналтирилмоқда. Мазкур соҳани ривожлантириш учун ажратилаётган бюджет маблағлари ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Соҳа ривожига бўлган ана шундай эътибор мактабларда ўқув-тарбия жараёнларини сифат жиҳатидан ўзгариштиришга, ўқитувчилар таркибини

яқшилашга хизмат қилмоқда. Кунин кеча Президентимиз раислигида бўлиб ўтган мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилишида таълим-тарбия тизими гоят долзарб, кечиктириб бўлмай-диган давлат сийёсати даражасидаги масала сифатида яна кун тартибига қўйилди. Унда белгиланган вазифалар ижроси таълим-тарбияни бутунлай янги даражага кўтаришга хизмат қиладди.

Давлатимиз раҳбари аввало мактабларда ўқув юклагаси ва дарслар сонини қайта қўриб чиқиш, ўқувчи унинг фақат ёдлашга эмас, балки фикрлашга қорлайдиган методика яратиш кераки, улар замонавий технологиялардан узилмаган ҳолда илм олсин, дунёқарашини ўстирсин, фикрласин...

Видеоселектор йиғилишида ҳар бир мактаб рейтингини ҳамда шу асосда таълим сифати бўйича туман, шаҳар ва вилоятлар рейтингини ишлаб чиқиш заруриги айтилди. Рейтинг натижаларига қараб, мактаб директорлари ва ўринбосарлари, ўқитувчилар, ҳокимллар ва уларнинг таълим бўйича маслаҳатчилари фаолиятига баҳо берилади. Рейтингда биринчи белгиikka кирган мактаб директорларига маҳаллий бюджетдан устима тўланади. Хусусан, мактаб директорлари ва уларнинг ўринбосарларига меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 3 бараваридан 12 бараваригача рағбатлантирувчи тўловлар берилади. Шу билан бирга, халқ таълими бўлими раҳбари ва методисти, мактаб директорлари, туман рейтингиндаги биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган мактабларнинг 2 нафар илгор ўқитувчига касабга уюшмалари ҳисобидан ҳар йили сийхаттоҳларга икки ҳафталик бепул йўллатиш берилади. Шунингдек, фойдой педагоглар бошқа йўллар билан ҳам рағбатлантирилади. Бу эса уларни янада кўпроқ масъулият билан иланишга ундайди.

Жамиятда ўз вазифасини сидқи-дигдан бажарётган киши албатта рағбатлантириш борилиши зарур. Рағбатлантириш нафақат ходимни қўллаб-қувватлаш, балки меҳнатнинг қадр топиши ҳамдир. Педагогларнинг рағбатлантирилиши ўз навабида, таълим-тарбия сифатига илжойий таъсир этмасдан қолмайди, албатта.

Таълим соҳасида қилинаётган ишлар бир кун, бир йилда мева бермайди. Бироқ бугун қилинаётган ишлар юз йиллаб мамлакат фойдасига хизмат қилади.

## Профессор Убайдулла Уватов



Мамлакатимиз илм-фани оғир жудоликка учради. Атоқли шарқшунос олим, тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов шу йил 3 ноябрь куни 80 ёшида вафот этди.

У.Уватов 1940 йил 23 февралда Қашқадарё вилоятининг Ғузур туманида туғилди. 1958-1969 йилларда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг шарқшунослик факультетини араб филологияси мутахассислиги бўйича тугатиб, ўз меҳнат фаолиятини ушбу даргоҳда ўқитувчилардан бошлади. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти аспирантурасида тахсил олиб, дастлаб номзодлик, сўнгра докторлик диссертациясини химия қилди. Араб тили бўйича юқори малакали мутахассис сифатида Миср, Ироқ, Ливия мамлакатларида таржимон бўлиб ишлади.

Катта илмий салоҳияти ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган У.Уватов мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг юқори бошқарув идораларида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига бўлим мудири, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари, шунингдек, Амир Темури жағмармаси раисининг биринчи ўринбосари, "Олтин мерос" халқроқ хайрия жағмармаси раисининг биринчи ўринбосари каби масъул лавозимларда самарали фаолият кўрсатиб, миллий ва диний кадрларнинг тарбияси, илмий-маданий меросимиз намуналарини тўplash, ўрганиш ва тарғиб этишга муносиб ҳисса қўшди.

Захматқаш олим Тошкент ислом университетининг Манбалар хазинаси бўлими мудири, Имом Бухорий халқроқ маркази раҳбари ҳамда умрининг охирига қадар Имом Термизий халқроқ илмий-тадқиқот маркази директори лавозимларида фидокорона меҳнат қилди. Айни вақтда Ўзбекистон халқроқ ислом академиясининг профессори вазифасида ишлаб, буюк алломаларимиз меросини чуқур тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишларида фаоллик кўрсатди.

Машҳур олимнинг Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Имом Мотуридид, Маҳмуд Замахшарий, Абу Муин Насафий, Амир Темури каби улуг сиймоларнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганишга бағишланган кўплаб мақолалари, китоб ва монографиялари, араб тилидаги нўбәт манбалардан қилган таржималари юртимиз ва хорижий давлатлар илмий жамоатчилиги ўртасида яхши маъълум бўлиб, улар мамлакатимизда шарқшунослик илмини ривожлантиришга беҳисс ҳисса бўлиб қўшилди.

У.Уватов жамоат ишларида, юртимизда олиб борилаётган маданий, диний-маърифий тадбирлар, анжуман ва учрашувларда фаол иштирок этиб, халқимиз, айниқса, ёшларни қадимий тарихимизга ҳурмат, эҳдоқдорликни аънаналарига садоқат руҳида тарбиялаш йўлида сидқидилдан хизмат қилди.

Моҳир педагог, жоноқар устознинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланди.

Профессор У.Уватовнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди. У "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" фахрий унвони ҳамда "Меҳнат шухрати" ва "Фидокорона хизматлари учун" орденлари билан тақдирланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин ва самимий инсон Убайдулла Уватовнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш.МИРЗИЁЕВ, Т.НОРБОЕВА, Н.ИСМОИЛОВ, А.АРИПОВ, Б.ЙЎЛДОШЕВ, У.АЛИМОВ

### МУНОСАБАТ

## ТАЪЛИМНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

Ўқувчида ички рағбатни уйғотади

Бугунга келиб инсон миллатнинг, мамлакатнинг энг катта табиий бойлиги экани аён бўлди. Яъни, ривожланиш бевосита инсон капитали билан боғланмоқда, ҳар бир давлат олдида инсон капиталини кўпроқ кашф қилиш масаласи турибди. Бугун бир ҳақиқат ойдинлашди: иқтидорсиз инсон йўқ, балки муваффақиятсиз таълим тизими бор. Агар тўғри йўл танланган бўлса, ҳар бир инсоннинг иқтидори юзага чиқиши мумкин. Бу инсоннинг бахти учун ҳам, жамият тараққиёти учун ҳам айна мудоаодир. Шунингдек олган ҳолда, биринчи навбатда, таълим мазмунини тўғри йўлга қўйиш лозим.

Нимани ўқитамиз, қайси мавзулар бугун долзарб, қандай эҳтиёж ва йўналишлар муҳим, деган саволлар атрофида бош қотириш, фақат шундан кейин қандай ўқитиш масаласини ҳал этиш мумкин. Айнан ушбу жиҳатлар дарсликлардан ўрин олишига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Давлатимиз раҳбари фармон лойиҳасида яна бир масалани энг устувор вазифа сифатида белгилаб берилди. Мактабларда ўқув юкламаси ва дарслар сонини қайта кўриб чиқиш, ўқувчиларни фақат ёдлашга эмас, мулоҳаза ва фикрлашга қорлайдиган услубларни яратиш борасида тақлифлар илгари сурилди. Таълим маркази ушбу жараёнларда қандай ишлар олиб бормоқда, деган саволга жавоб беришдан олдин бир жиҳатни айтиш керак. Утган йили Кембриж университети Ўзбекистонда тадқиқот ўтказди. Унинг натижалари Республика таълим марказига тақдим этилган, биз таҳлил қилиб чиқдик. Ушбу таҳлиллар асосида биз юртимиздаги ҳамда жаҳондаги ҳолатни таққослаш имкониятига эга бўлдик. Мисол учун, мамлакатимизда 5-11-синф ўқувчилари йил давомида 1224 соатча тахсил олади. Бугун дунёда эса бу ўртача 900-950 соатни ташкил этади. Ёки бугун айнан ушбу босқичлардаги ўқувчилар 16 тагача фани ўзлаштирилади. Бугун дунёда мактабларда эса 5 та фан, узоғи билан 9 тадан 12 тагача фан ўқитилади. Тажриба кўрсатмоқдаки, ушбу кўрсаткичларнинг ошиб кетиши вақтни кўп олади, ўғил-қизлар бу фанларни ўзлаштиришда қийналишади. Шу нуқтаи назардан, олдимизда турган вазифа фанларни оптималлаштириш, мавзуларни интеграциялашдан иборат. Бу орқали ўқувчиларга имкон қадар ўқиш ва ўрганиш учун бўш вақт яратиш бериш лозим. Шунингдек, ўқув юкламаларининг оптималлаштирилиши боланинг фанларга бўлган ички рағбатини ҳам уйғотади ва қизиқишини оширади.

Олдимизда режа ва мақсадларимиз кўп. Уларни амалга ошириш учун эса энг аввало, хоҳиш ва ирода талаб этилади. Шунингдек, юксак билан ҳамда чуқур йўлаб бажариладиган вазифалар фақат ва фақат мана шу ўрт маънафаати, яъни ҳамюртларимиз манфаатига хизмат қилади. Таълимдаги ислохотлар янги Ўзбекистоннинг остонасини мустаҳкам қилишнинг бош омилдир.

Шухрат САТТОРОВ,  
Республика таълим маркази директори.

# ҲОКИМЛАР ФАОЛИЯТИ

ҳудудда таълим соҳасига бўлган эътиборга қараб баҳоланади

Таълим соҳасини такомиллаштириш, сифатини ошириш, илм-фан ривожини жадаллаштириш бўйича Президент фармони лойиҳаси regulation.gov.uz сайтига муҳокама учун қўйилди. Бугун барча мактаб жамоалари, ота-оналар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида лойиҳа қизгин муҳокама қилиниб, тақлифлар билдирилмоқда.

Мазкур фармоннинг аҳамияти, унда назарда тутилган жиҳатлар хусусида республика Халқ таълими бошқарма бошлиги Эркин МУРОДОВ билан суҳбатлашишга қарор қилдик.

— Фармон лойиҳасида жамоатчилик иштироки қандай бўлмоқда? Асосли тақлифлар кўпми, озми?

— Тўғриси, бу фармон лойиҳасига ҳамюртларимиз фаол муносабат билдираётгани кишини қувонтиради. Демак, фуқароларимизнинг ислохотларга дахлдорлик туйғуси ошиб бормоқда.

Иккинчидан, таълим-тарбиянинг ҳаётимиздаги аҳамиятини одамлар чуқурроқ тушуна бошлагани сезилиб турибди. Аввало, айтиш керакки, мазкур фармон лойиҳаси яқин беш йиллик муддатдаги устувор вазифаларни белгилаб бераётгани билан аҳамият-лидир. Энг муҳими, жамиятда ўқитувчининг обрў-эътиборини янада мустаҳкамлашга, барча умумтаълим мактабларида ўқитиш методикаларини яхшилаш ва такомиллаштиришга эътибор қаратишмоқда. Мактабга таълимдан олган таълимгача бўлган жараённинг узвийлигини таъминлаш ҳам устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Қисқа вақт ичида 2 мингдан зиёд тақлиф келиб тушгани ҳам фармон лойиҳасига аҳолининг эътибори катталигидан дарак беради.

Хўш, фармон лойиҳасида нималар илгари сурилган? Энг аввало, олис, чекка ҳудудларда фаолият олиб бораётган ўқитувчиларга олий маълумотли бўлиш имконияти берилиши назарда тутилмоқда. Шунингдек, ҳудудларда кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаб, шунга қараб чоралар кўрилиши тақлиф этилмоқда.

Фармоннинг дастлабки лойиҳасида халқроқ олимпадаларда голиб бўлган ўқитувчиларга олий тоифа бериш лозимлиги қайд этилган. Кейин эса республика миқёсидаги фан олимпадаларида ўқувчиси ғалаба қозongan устозларга ҳам шунини жорий этиш тақлиф этилмоқда. Бу ҳам ўқитувчи меҳнатини қадрлашга хизмат қилади.

Шунингдек, лойиҳада ўқитиш тизимини сифатини янада ошириш учун ўқув юкламаси, фанлар сонини кўриб чиқиш масаласи ҳам кўтарилган. Халқроқ тажрибаларни олиб қарайдиган бўлсак, бир неча фанлар умумлаштирилиб, битта фан сифатида ўқитилади. Шунда ўқув юкламалари ҳам соддалаштирилади. Масалан, хорижда география, кимё, биология битта фан сифатида ўқитилади. Бу бизнинг мамлакатимизда биринчи бор амалиётга жорий этилиши кутилмоқда. Фармон лойиҳасига тақлифлар олинар экан, уларнинг ҳар бирига жиддий ёндашилмоқда. Ҳар бири мутахассислар томонидан таҳлил қилиниб, асосли, деб топилаётганлари қонун лойиҳасида ўз аксини топишига ишонаман.

— Бугун хизмат сафари билан турли



ҳудудларга борганимизда 2-3 ой оралиғида янги мактаблар қурилиб, фойдаланишга топширилаётганини кўряпмиз. Замонавий технологиялар билан таъминланаётганига гувоҳ бўляпмиз. Бироқ таълим сифати, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини юксалтиришга қай тартибда ёндашилмоқда? Қандай тақлифлар илгари сурилмоқда?

— Тўғри, мактабларни таъмирлашимиз, энг сўнгги технологияларни беришимиз мумкин. Бироқ бу ўқув сифатини оширишнинг кафолати бўла олмайд. Таълимнинг қанчалик сифатли амалга оширилиши кўп жиҳатдан ўқитувчининг маҳорати, билим даражасига боғлиқ. Буни ҳеч биригиз рад этолмаймиз, кўзланган пировард мақсадимизга эришолмаймиз. Шу боисдан педагогларнинг малака ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Бугунги кунда Халқ таълими тизимида 490 мингдан ортқ ўқитувчи фаолият юритади. Уларнинг атиги 20 фоизи олий ва биринчи тоифали ўқитувчилардир. Ўз-ўзидан савол туғилади: уларнинг касбий маҳоратини ошириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмаяптими? Тизимда фаолият олиб борадиганлар билишадими, ўқитувчилар беш йилда бир марта малакасини оширишади. Йилга 18-20 фоиз педагог бу имкониятдан фойдалана олади. Қолган 80 фоиз ўқитувчи эса мана шу даврда таълимдаги янгиликлардан беҳабар қолади. Халқроқ тажрибани ўрганганимизда бу эҳтиёжга қараб, амалга оширилишини кўриш мумкин.

Масаланинг яна бир томони бор. Бир мактабда 50 га яқин ўқитувчи ишлайди, десак, ҳар бирининг тажрибаси, маҳорати турлича бўлади. Худди шундай малака оширишга қараб ўқитувчиларнинг ҳам малакаси бир хил, дея олаймиш. Демак, уларнинг малакасини оширишда ҳам шунга қараб ёндашиш керак, деб ўйлаймиз. Педагог бир ой вақт ўтказиб, шунчаки сертификат олиш учун ўқимаслиги керак. У нимани истайди, нимани ўрганишга эҳтиёжи борлигига ҳам жавоб олишимиз, шунга қараб жараённи ташкил этиш лозим бўлади.

Ўқитувчи ўз илм масканига янгилик олиб бориши, дарсларда янги методлардан фойдаланиши ўрганиши лозим. Ривожланган давлатларда устозлар малака ошириш вақтининг 10-20 фоизини назарияга, қолганини эса амалиётга ажратади. Ўқув масканларида бориб, тажриба алмашади. Педагогини олий таълим муассасалари тайёрлайди. Шундай экан, малака оширишда ҳам уларнинг кўмагига таяниш мумкин, деб ўйлайман. Лойиҳада устоз ва мураббийларга худудлардаги институт, университетларда малака ошириш имкониятини

бериш тақлифи ҳам илгари сурилган.

Яна бир жиҳат. Шу вақтга қадар педагоглар малакасини ошириш ҳудудий халқ таълими марказлари зиммасида бўлган. Мазкур фармон лойиҳасига кўра, нодавлат таълим даргоҳларига ҳам халқ таълими ходимларининг малакасини оширишга рухсат ҳуқуқи берилмоқда. Нодавлат таълим марказларида халқроқ тажриба, стандартлар пухта ўқитилади, хорижий адабиётлар, методлардан ўз ўрнида самарали фойдаланиш ўргатилади. Бу тизимда соғлом рақобатни юзага келтириши шубҳасиз.

— Бугунги кунда ўрта мактаблар битирувчиларнинг 20 фоизи талабалик бахтига эришмоқда. Қолган йигит-қизларнинг кейинги тақдири нима бўляпти? Уларнинг касбий қўнилмага эга бўлиш муассаласи бўйича қандай янгиликлар жорий этилади?

— Биз, аввало, мактабнинг асосий вазифаси нималигини билиб олишимиз зарур. Мактабнинг вазифаси битирувчининг ҳаётда муваффақиятга эришиш, жамиятда ўз ўрнини топа олишига кўмаклашишдан иборатдир. Тўғри, бугунги кунда Олий таълим муассасаларига атиги 20 фоиз битирувчи қамаб олинмоқда. Келажақда тегишли консепцияда бу кўрсаткич ошиб бориши кўзда тутилмоқда. Ҳар бир боланинг қабул қилиш даражаси, ўзлаштириш қобилияти турлича бўлади. Ҳамма ҳам олий маълумотли бўла олмайд ва бу боланинг кейинги тақдирида фожиая айланмаслиги зарур. Шу боисдан мактабларда устозларнинг тақлиф этилиб, касб-хунарларга ўқитилади. Ўқувчининг қизиқишига қараб дастлабки касбий билимлар берилади. Ўқувчи 7-синфдагидаёқ касбга лаёқати аниқланиб, шундан сўнг касбга йўналтирилади. 9-синфни битиргач, янги форматдаги касб-хунар мактабларида ўқиниш давом эттиради. Ўзи танлаган йўналишини чуқурроқ ўрганади.

— Фармон лойиҳасида соҳа ходимларини рағбатлантириш масаласида белгиланаётган янги ёндашувлар тўғрисида қандай фикрдасиз?

— Таълим тизимида ҳам яхлит рейтинг жорий этиш кўриб чиқилмоқда. Шунга қараб, ходимларни рағбатлантириш йўлга қўйилиши назарда тутилмоқда. Нафақат мактаб, туман, шаҳар ҳокимларининг фаолияти ҳам ҳудудда таълимга эътиборига қараб баҳо бериш масаласи кўрилмоқда. Рейтинг натижасига кўра, энг юқори бешталикка кирган мактаб раҳбарлари, фан ўқитувчиларининг 2 нафари сихаттоҳларда бепул дам олиши мумкин бўлади. Синф раҳбарларини ҳам кўшимча рағбатлантиришга аҳамият қаратишмоқда.

### МУЛОҲАЗА

## ТУРМУШ ЎЗГАРСАГИНА, ТАФАККУР ЎЗГАРАДИ

ёки оиланинг қораси қандай қайнапти?

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида шундай меъёр бор: "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар".

Бу меъёр давлат идоралари мавжудлигининг энг муҳим қоидаси ҳисобланади.

Кейинги йилларда давлат идоралари раҳбарларини халққа яқинлаштириш бўйича улкан ўзгаришлар қилинди. Ҳар бир ҳудудда, олис қишлоқларда ҳам сайёр қабуллар ташкил этилди. Амалдорлар одамларни тоқат билан эшитишни ўрганиди ёки айримлари шунга қўнди.

Мурожаатларни эшитиш тизими йўлга қўйилди, имкониятга, ҳуқуқий асосга қараб масалалар ҳал этиляпти. Аммо мулоқотдан кўзланган асосий мақсад — аҳоли мурожаатларини ўрганиб, уларни тизимли таҳлил қилиш механизми яратилдими?..

Куз мавсуми, қиш яқинлашиши арафасида электр энергияси, табиий газ таъминоти билан боғлиқ мурожаатлар кўпаяди. Уларга алоҳида-алоҳида жавоб ёзиш эмас, муаммоларни масалани тизимли ҳал этиш ҳақида ўйлаш зарур.

Конституциядаги қатъий қоидага қайтсак, давлат фуқароларига, у ҳоқ

илгари суриш тақлифи билдирилса, ўша соҳа вакиллари "миллат тайёр эмас", "халқни бунга ўргатиш керак", дея ўзларининг ўқувсизликлари, айёрликларини хаспўшламоқчи бўлишади.

Ўлганин кунидан сайёр қабулга чиқаётган айрим мутасаддилар икки-уч соатгина мурожаатларни қабул қилган бўлади, кейин туфлисининг чангини артиб, дарров меҳмонхонагами ёки бошқа бир қўлайроқ жойга ошиққади. Икки соатлик тадбир учун камера чақириб, артистик қилади гўё. Бундай раҳбарлар одамларнинг кўнглидан нималар ўтаётганини қаердан билсин?..

Раҳбарлар билмаса, одамлар қачон ўрганади, раҳбарлар тайёр бўлмаса, одамлар қачон тайёр бўлади?

Шунини айтишни истардимки, халқ, миллат бугун бачча ислохотларга тайёр. Ҳар қандай янгиликни тез ўрганиб, мослашиб кета олади. Фақатгина шу ислохотлар тўғри амалга оширилса бас.

Кунини кеча Фарғона вилоятида бўлиб қайтдим. Қишлоқ одамлари ҳаёти қизган. Барчанинг кўнглидаки, бирор-бир соҳани ислох қилиш ёки бирор масалада янги юзларни

ўтин ғамида, яна кимдир ижтимоий тармоқларни ларзага солаётган нарсаларга қараб ўқиб олган овера. Фарзанд тарбияси билан банд бўлиши керак бўлган, оила малакаси, дея эътироф этилувчи аёлларимиз куннинг илғидан фойдаланиб қолиш, кўпроқ таппи тайёрлаб олиш илҳинида. Мамлакатдаги ислохотлар эса одамлар олдида кейинги масалага айланиб қолган. Бундай манзара ҳар қандай кишининг दिलини хуфтон қилади, қалбини ларзага солади.

Икки кун қишлоқда бўлдим, асосий муаммо газ йўқлиги, электрнинг тез-тез узиб қўйилиши, ичимлик суви танқислиги, таъмирталаб ички йўллар.

Газ йўқ (газнинг берилмай қўйганига 20 йил бўлибди, суюлтирилган газ эса баъзан 50 кунда, баъзан эса 65-70 кунда етказиб берилар экан), электр эса кунига беш ёки олти марабта ўчиб туради, электрнинг улзуксизлиги таъминланмаган, уй эса исмайди.

Совуқ уйлар, бунинг устига, печкадан чиқаётган тутун, бу ҳолатда инсоннинг касалланиши аниқ. Шамоллаш, ўлканинг зарарланиши... Айни коронавирус инфекцияси билан касалланиш ҳолати кузатилаёт-

ган пайтда бу каби ҳолатлар ҳам касалликка тез чалинишга сабаб бўлиши мумкин.

Биз қишлоқ аҳолисига яхши яшаши учун қўлай шароитларни яратиш бермас эканмиз, Тошкентда ёки вилоят марказларида қандай ислохот амалга оширилса, бу ислохот қишлоқларга, олис ҳудудларимизга ҳам етиб бормайдиган бўлса, кўзланган мақсадга ета олмаймиз.

Биз бу ҳолатларни яхши томонга ўзгаришини, мутасаддилар ташкилотлар қишлоқларни ҳам кўпроқ эътибор қаратишларини сўраб қоламиз.

Уларга яхши турмуш шароитини яратиш берайлик, газ, электр, ичимлик суви муаммосини, ички йўлларни таъмирлаш масалаларини ҳал қилиб берайлик. Турмуш ўзгаришига, тафаккур ўзгаришини тушунайлик, тан олайлик!

Менда бир тақлиф бор. Вазифаси ижтимоий муаммоларни ҳал этиш белгиланган мутасаддилар шароити қийинроқ қишлоқларга бирикки кун меҳмон бўлишсин. Ёзда чанг, қишда пой қўчаларда пиёда қариб, қишининг қаҳратон совуғида қишлоқ одамлари нималар билан банд экани, ҳеч ким расман ишламайдиган оиланинг қораси қандай қайнаётгани, чироқсиз уйда болалар қанча дарс тайёрлаётгани, совуқ уйда нимани орзу қилиб уйкуга кетаётганини ўрганишсин. Куз-қиш даррларини таналарида ҳис этиб кўришсин.

Биласизми, айнан таълим соҳасида эришилган натижаларига қараб, қамдан-қам ҳолларда ҳудудий бошқарма раҳбарларига давлат мукофотлари берилган. Жорий йил Ўқитувчи ва мураббийлар кўни арафасида вилоят халқ таълими бошқармалари ва бир нечта туман халқ таълими бўлими мудирилар давлатимиз раҳбари томонидан юксак мукофот билан тақдирланди. Ҳатто туман, шаҳар ҳокимларига ҳам ана шундай мукофотлар берилди. Бу қувонарли ҳол. Қисқа қилиб айтганда, тизимда ўқитувчилар билан бирга бошқа соҳа ходимларининг меҳнати борлиги ҳам билинди.

— Фармон лойиҳасига директорларни тайинлаш, уларнинг фаолиятига жамоатчилик асосида баҳо бериш, назорат қилиш, деган тушунчалар киритилган. Бу борада халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига жуда катта вазифалар қўйилмоқда. Шу хусусда ҳам ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдириб ўтсангиз?

— Пандемия шароитида мактабларни очиб маҳаллий Кенгашларнинг қарори билан амалга ошириладиган бўлди. Бу жуда тўғри қарор, деб ўйлайман. Негаки, қозоғда ҳаммаси яхши, амалда эса бунинг тексариси бўлган ҳолатларга ҳам дуч келдик. Бунда депутатларнинг жойларга чиқиб, ўрганиши фойда берди. Камчиликлар тўғриланмагунча, айрим мактабларни очиниши кечиктириб турганимиз ҳам рост. Барчаси фарзандларимизнинг соғлиғи учун қилинди ва бунда халқ вакилларининг хизмати катта бўлди.

Фармон лойиҳасида маҳаллий Кенгаш тавсиясига кўра мактаб директори тайинланиши назарда тутилмоқда. Номзод маҳаллий Кенгашнинг 3-5 йиллик истиқболли режаси билан таништириши, тақдимот ўтказиши белгиланмоқда. Депутатлар номзод мактабни ривожлантиришга ўз хиссасини қўша олишига ишона олга, унга тавсия беришади. Бу ўз-ўзидан мактабларнинг маҳоратли намунавий бошқарувига олиб келади, шаф-фолиқ бўлади. Шу билан бирга бўлажак директорларда масъулият ҳисси кучайишига сабаб бўлади.

Ўйлайманки, маҳаллий Кенгашларнинг мактаблар фаолиятидаги назорат функциясининг амалга оширилиши учинчи Ренессанс йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлади.

Шунинг унутмаслигини шарт. Таълим соҳасида қилинаётган ишлар бир кун, бир йилда мева бермайди. Бироқ унинг меваси юз йиллаб мамлакат фойдаси учун ишлайди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,  
Маҳлиё АЛИҚУЛОВА,  
"Ўзбекистон овози" мухбирлари.



Бозорларда нарх қачон арзонлашади, деган саволга айримлар бозор деҳқонга берилганда, демоқда.

# Мамлакатимиз деҳқон бозорларидаги нарх-наволар



Газетамизда ҳар ҳафтада бир марта мамлакатимиз деҳқон бозорларидаги нарх-наволар тўғрисида маълумотларни эълон қилиб бораемиз.

Маълумки, 2020 йил 16 октябрь кунин Президентимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилишида озиқ-овқат хавфсизлиги ва нарх-навоси билан боғлиқ бугунги ҳолатни чуқур таҳлил қилди, бу борада амалга оширилиши зарур бўлган наватдаги вазифаларни белгилаб берди. Шундан сўнг республикамизнинг барча шаҳар ва туман марказий деҳқон бозорлари назоратга олиниб, маҳаллий ҳокимият раҳбарлари ва депутатларимиз томонидан нархларни асоссиз, яъни, сунъий равишда ошиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда нарх-навоини тартибга солиш борасида ўрганишлар олиб борилмоқда.

Биз аънанини давом эттириб, ўтган яшанба-душанба кунлари ҳам (1-2 ноябрь) марказий деҳқон бозорларидаги ўртача нарх-навоини ўргандик. Бу ҳафтада ҳам бозорларимиздаги қишлоқ ҳўжалиги ва сабзавот маҳсулотлари ўртача 500 сўмгача кўтарилган бўлса, гўшт маҳсулотлари айрим бозорларда маълум миқдорда қимматлашганлигини кўзатиш мумкин. Бундан ташқари, ўсимлик ва пахта ёғлари, шунингдек, шаккар нархи ҳам бироз қимматлигича қолаётганини айтиш мумкин. Бозорларимиздаги нарх-наво кескин ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан «Элга хизмат» расалари ташкил этилган. Уларда кундалик эҳтиёжимиз учун зарур ҳисобланган барча маҳсулотлар маъқул нархларда сотилмоқда. Масалан, мол гўшлари 50 минг сўмдан.



| Худудлар  | Куй гўшт (1 кг) сўм | Мол гўшт (1 кг) сўм | Гуруч (Аланга) (1 кг) сўм | Картошка (1 кг) сўм | Пиёз (1 кг) сўм | Сабзи (1 кг) сўм | Шолғом (1 кг) сўм | Шаккар (1 кг) сўм | Тухум (1 дона) сўм | Балиқ (Толстолоб) | Пахта ёғи (1 литр) сўм | Ўсимлик ёғи (Кунгабоқар) (1 литр) сўм |
|---|---------------------|---------------------|---------------------------|---------------------|-----------------|------------------|-------------------|-------------------|--------------------|-------------------|------------------------|---------------------------------------|
| Қорақалпоғистон Республикаси (Нукус деҳқон бозори)              | 55000-65000         | 55000-60000         | 9000-16000                | 3500-4500           | 1500-2000       | 2000-2500        | 2000-2500         | 7000-8000         | 1000-1200          | 18000-25000       | 13000-14000            | 14000-16000                           |
| Андижон вилояти (Марказий деҳқон бозори)                        | 60000-65000         | 54000-58000         | 9000-15000                | 3500-4500           | 1500-2500       | 1500-2000        | 2500              | 6500-7000         | 800-1200           | 15000-18000       | 12000                  | 13000-15000                           |
| Бухоро вилояти (Марказий деҳқон бозори)                         | 58000-60000         | 58000-60000         | 9000-10000                | 3500-4000           | 1500-2000       | 2500-3000        | 3000              | 7000-8000         | 1400               | 18000-25000       | 14000                  | 16000                                 |
| Жиззах вилояти (Марказий деҳқон бозори)                         | 58000-60000         | 56000               | 10000                     | 4000-4500           | 2500            | 2500             | 3000              | 7000-8000         | 1100-1200          | 8000-10000        | 13000                  | 16000                                 |
| Қашқадарё вилояти (Шаҳрисабз — Кеш деҳқон ва озиқ-овқат бозори) | 65000-68000         | 58000-60000         | 8000-11000                | 3500-4500           | 2000-2500       | 1500-2000        | 2500-3500         | 7000-8000         | 1100-1200          | 17000-20000       | 14000-15000            | 15000-16000                           |
| Навоий вилояти (Марказий деҳқон бозори)                         | 59000-60000         | 59000-60000         | 8000-14000                | 3500-4000           | 2000-2500       | 1500-2000        | 2000-2500         | 7000-7500         | 1100-1200          | 17000-20000       | 13500-14000            | 14500-15000                           |
| Наманган вилояти (Чорсу деҳқон бозори)                          | 60000-65000         | 48000-65000         | 8000-13000                | 3500-4000           | 1500-2000       | 1500-2000        | 2000-2500         | 7500-8000         | 1100-1200          | 13000-15000       | 14500-15000            | 14500-15000                           |
| Самарқанд вилояти (Сибё деҳқон бозори)                          | 65000-70000         | 55000-60000         | 11000-13000               | 3500-4000           | 1800-2000       | 2000             | 2000-2500         | 7000-8000         | 1200               | 18000             | 13500-14000            | 14000-15000                           |
| Сурхондарё вилояти (Денов бободоҳқон бозори)                    | 65000               | 60000               | 9000-10000                | 3500-4000           | 2000            | 3000-3500        | 2500-3000         | 7500-8000         | 1000-1200          | 25000             | 12500-13000            | 14500-15000                           |
| Сирдарё вилояти (Гулистон деҳқон бозори)                        | 70000-72000         | 60000-62000         | 8000-14000                | 3500-4000           | 1500-2000       | 1500-2000        | 2000              | 7500-8000         | 1000-1200          | 12000-15000       | 14500-15000            | 14500-15000                           |
| Тошкент вилояти (Паркент деҳқон бозори)                         | 60000-65000         | 55000-60000         | 9000-10000                | 3500-4000           | 2000            | 2000             | 2000              | 6500-7000         | 1100-1200          | 18000-20000       | 14000-15000            | 14500-15000                           |
| Фарғона вилояти (Фарғона деҳқон бозори)                         | 65000-70000         | 63000-65000         | 8000-14000                | 3500-4000           | 1500-2000       | 1500-2000        | 3000-3500         | 7500-8000         | 1100-1200          | 17000             | 14000-15000            | 14000-15000                           |
| Хоразм вилояти (Урганч деҳқон бозори)                           | 65000-70000         | 60000-65000         | 7000-15000                | 4500-5000           | 2500-3000       | 1500-2500        | 3000-3500         | 6500-8000         | 1200-1300          | 30000-35000       | 13000-16000            | 15000-17000                           |
| Тошкент шаҳри (Фарҳод деҳқон бозори)                            | 65000-70000         | 58000-60000         | 9000-10000                | 4000-4500           | 2000-2500       | 2000-2500        | 4000              | 5800-8000         | 1000-1200          | 18000-21000       | 14000-15000            | 14500-15000                           |
| Тошкент шаҳри (Юнусобод деҳқон бозори)                          | 65000-70000         | 60000-65000         | 11000-13000               | 3500-4000           | 1500-1800       | 2000             | 3500-4000         | 5800-8000         | 1000-1300          | 18000-20000       | 15000-16000            | 15000-16000                           |
| Тошкент шаҳар (Аския деҳқон бозори)                             | 60000               | 50000-65000         | 10000-11000               | 3000-3800           | 1500-2000       | 2500             | 3000              | 5800              | 850-1100           | 18000-20000       | 12600                  | 14500-15000                           |

Бозорлардаги нархлар худудлардаги муҳбирларимиз ва партияимиз фаоллари томонидан ўрганилди. Бундан буён ҳам мамлакатимиз деҳқон бозорларидаги ўртача нарх-навоини ўрганишда давом этамиз.

## ДОЛЗАРБ МАВЗУ БОРАСИДА МУЛОҲАЗА

# АЙРИМ ДАВЛАТЛАР КАРАНТИН ЧЕКЛОВЛАРИНИ ҚАЙТА ЖОРИЙ ЭТИШ АРАФАСИДА БИЗДА ЭСА ТҲЙХОНАЛАР ОЧИЛМОҚДА

### Пандемия Маршалл оролларига ҳам етиб борди

Маълумотларга қараганда, коронавирус пандемияси 216 мамлакат ва худудни қамраб олишга улгурди. Сўнгги кунларда бундай худудлар сони яна ошди, деб айтиш мумкин. Коронавирус илк марта Маршалл оролларида ҳам аниқланди. Олимлар Европада коронавируснинг янги тўлкини хавфи яқинлиги ҳақида огоҳлантиришмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, дунёда вирусга чалинганлар сони 45 миллионга етган. Жонс Хопкинс университети маълумотларига кўра, ўтган ҳафтада 1 миллион 181 минг киши коронавирус қурбонига айланган, 81,5 минг киши оғир аҳволда қолмоқда.

### Англияда эпидемия шитоби, Шотландияда янги чекловлар

Лондондаги Imperial College университети эълон қилган тадқиқот натижаларига кўра, Англияда ҳар кун 100 минг киши Covid-19 дан зарарланмоқда. Эпидемия тарқалиши тезлиги ўсиб бормоқда ва касалланганлар сони ҳар тўққиз кунда икки баробар кўлаймоқда. Ҳозирча ҳукумат айнан қандайдир чоралар қўлади маълум эмас, аммо расмийлар Англия «ташвишли боқимча қираётгани» ва «нимандидир ўзгартириш кераклиги» ҳақида гапиришмоқда.

Шотландиянинг биринчи бош вазири Никола Стержен касалланиш ҳолатлари сони ва инфекция тарқалиши тезлигига қараб, худудларда турлича чекловлар жорий этилиши ҳақида маълум қилган. У Европадаги вазият жуда мураккаблигича қолаётгани, эпидемия кенг тарқалаётгани, шу тўғрисида қатъий қарантин эълон қилиниши эҳтимоли юқори эканини айтиб ўтган. Бундан ташқари, Польшада касаллар сони кескин ўсган ва уларнинг жами сони 300 мингдан ошган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги сўнгги бир ойда янги ҳолатлар сони уч баробар ўсганини тасдиқлаган.

### Дунёнинг нариги чеккасида

Шу вақтга ҳақиқатда Covid-19 дан холи худуд сифатида ҳисоблаб келинган Маршалл оролларида ҳам илк касалланиш ҳолатлари аниқланди. АҚШ ҳарбий-хаво кучларининг Квэдзалеин оролидаги базаси ходимлари бўлган 35 ёшли аёл ва 46 ёшли қазақча вирус чикди, улар Гонолулудан ҳарбий самолётда учиб келишган, топширган тест натижалари мусбат чиққан ва карантинга юборилган. Маршалл ороллари — экватор чизигининг шимолий қисмида жойлашган минглаб маржон ороллари архипелаги бўлиб, унинг катта қисмида аҳоли яшамайди, жами аҳолиси сони — 55 минг киши.

### Қиш келиши билан хавф янада ортади

Франция ва Германияда ушбу ҳафтанинг душанба кунидан «енгил лоқдаун» бошланади. Европанинг икки йirik давлатида ноябрь ойи охиригача ресторанлар, барлар ва барча кўнгилочар масканлар ҳамда спорт иншоотлари ёпилади. Францияда сўнгги бир кунда 36 минг 437 янги ҳолат аниқланди, 244 киши вафот этди, Германияда 16 минг 744 ҳолат (пандемия бошидан буён рекорд рақами) аниқланди ва 89 киши оламдан ўтди.

«Коронавируснинг иккинчи тўлкини, шубҳасиз,

биринчисидан ёмонроқ, у бошимизга ёпирилиш билан таҳдид қилмоқда», — деди Франция президенти Макрон янги чеклов чораларига изоҳ бера туриб. У кунлик касалланиш ҳолатларини 5 минггача камайтириш зарурлигини таъкидлаган.

«Олдинда оғир ўтадиган қиш турибди, тўрт совуқ ой, аммо бу қанчондир тугайди», — деди Меркель Бундестагдаги чиқишида. Бундан ташқари, у коронавирус хавфи эмаслиги ҳақида гапиришда давом этаётган популистларга кескин муносабат билдирди.

### Россия ниқобда, ресторан ва кафелар тунда ишламайди

«Роспотребнадзор» соат 23:00 дан 6:00 гача кўнгилочар тадбирлар ва умумий овқатланиш муассасалари фаолиятини тақиқлади. Россияда янги карантин чекловларини жорий этиш тўғрисидаги «Роспотребнадзор» қарори 28 октябрдан қуча киради. «Юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорларга соат 23:00 дан 6:00 гача кўнгилочар тадбирларни ташкил қилиш, умумий овқатланиш муассасаларида хизмат кўрсатиш тақиқлансин», дейилади қарорда.

Россияда сўнгги кунларда кунлик ўсиш 16 мингдан паст бўлмаяпти. Жума кунини 17,3 минг, шанба кунини 16,5 минг, яшанба кунини 16,7 минг янги касалланиш ҳолати қайт этилди.

### Германияда карантин

Дунё бўйлаб коронавирус билан касалланиш ҳолатлари кунига ўртача 450 минггача ортапти ва умумий рақамлар 45 миллионга яқинлашмоқда. 1 млн. 171 минг одам ҳаётдан қўз юган, деярли 32,5 миллион бемор соғайиб кетган. Энг оғир вазият аввалгидек АҚШ ва Ҳиндистонда кузатишмоқда. Тинч океани минтақаси давлатларида, Хитой, Жанубий Корея, Япония ва Австралияда вазият қониқарли деб баҳоланмоқда.

Европанинг деярли ҳар бир давлатида турли хил даражадаги карантин чекловлари қайта тикланмоқда. Германия канцлери Ангела Меркель ва 16 федерал худуд бш вазирлари ўртасидаги бугунги видеоконференцияда «енгил лоқдаун» деб номланган қарор қабул қилинди. «Бизнинг соғлиқни сақлаш тизимимиз бугунги кунда бу муаммага дош бера олади. Аммо инфекция бундай тезликда тарқалса, бир неча ҳафта ичида уни назорат қилиш имкони бўлмай қолиши мумкин», — деди Меркель. Карантин 2 ноябрдан қуча киради ва декабрда амалда бўлади.

### Европа авиакомпаниялари коронавирус сабабли парвозлар сонини камайтирмоқда

Deutsche Lufthansa SA 125та самолётининг парвозини тўхтатишини ва авиаташуварлар ҳамини ўтган йилги кўрсаткичнинг чорак қисмигача камайтиришини маълум қилди. Европанинг йirik авиакомпаниялари коронавирус инфекцияси билан касалланиш ҳолатлари кўпайганлиги ва янги чекловлар сабабли парвозлар сонини камайтирмоқда. Air France жорий чоракда 2019 йилдаги парвозлар кўрсаткичининг 35 фоизини амалга оширишини маълум қилди. Нидерландиянинг KLM авиакомпанияси



эса одатий парвозларнинг 45 фоизини бажаришини билдирди. Ўтган ҳафтада International Consolidated Airlines Group SA парвозлар сонини 2019 йилдаги кўрсаткичларнинг 30 фоизгача қисқартиришини хабар қилганди.

Deutsche Lufthansa SA 125та самолётининг парвозини тўхтатишини ва авиаташувар ҳамини ўтган йилги кўрсаткичнинг чорак қисмигача камайтиришини маълум қилди. Европанинг энг йirik авиаташувчиси бўлган Air France-KLM 2020 йилнинг учинчи чоратини зарар билан ақунлади.

Бельгия шифохоналарида жой қолмагани сабабли коронавирус чалинганлар Германияга жўнатишмоқда. Бельгияда коронавирус тарқалишининг иккинчи тўлкини ортдан карантин эълон қилинди. Шифохоналар тўлиб-тошгани сабабли коронавирусга чалинганлар қўшин Германияга даволанишга жўнатишмоқда. Шунингдек, тиббий маълумотга эга барча фуқаролар коронавирусга чалинганларни даволаш учун сафарбар қилинмоқда.

Карантин киритилиши сабабли мамлакатда мактаб таътиллари узайтирилади, ҳаётий муҳим товарларни сотмайдиган барча дўконлар ва хизматлар соҳасида фаолият юритувчи баъзи корхоналар ёпилади. Фуқароларга ёпик жойларда бир кишидан, очик жойларда эса 4 кишидан кўпроқ меҳмон қабул қилиш тақиқланади. Имкони бор жойларда масофадан ишлашга ўтилади. Янги чоралар декабрь ўрталаригача амал қилади. Ҳозирда Бельгияда комендантлик соати киритилган ҳамда кафе ва ресторанлар иши тўхтатилган.

Европа иттифоқида коронавирусга қарши вакцинация келаси йил апрелда бошланиши мумкин. Бу ҳақда Европа комиссияси раҳбари Урсула фон дер Ляйен ва унинг махсус маслаҳатчиси, микробиолог Питер Пиот маълум қилди. «Оптимистик сценарийга кўра, Европа фуқаролари учун ойига 20-50 млн доза вакцина етказиб беришимиз мумкин, етказиб бериш апрелда бошланиши мумкин», — деди Еврокомиссия раҳбари. Унинг сўзларига кўра, «ЕИнинг барча мамлакатларида вазият жиддий». «Европада вирус тез тарқалмоқда. Биз иккинчи тўлкин ичидамиз. Бугунги кунда Европада 1,1 миллиондан ортик киши касалланган ва бу рақам келаётган 2-3 ҳафта ичида тез ўсиши мумкин», — деди фон дер Ляйен.

Ўз навбатида унинг маслаҳатчиси Пиот «вазият

жуда жиддийлиги ва зудлик билан янада жиддий чора қўрилмаса, бундан ҳам ёмонлашиши мумкин»лигини айтди. «Агарда бўшасак, бизда учинчи тўлкин ҳам бўлиши мумкин», — деди Пиот. Унинг маълум қилишича, ҳозирда 11 та вакцина синовдан ўтказилмоқда. «Йил охиригача уларнинг қанчалик самарали эканлигини билиб олишимизга умид қиланам. Компаниялар билан келишувлар тўғрисида барча фуқаролар вакцинага эга бўлади», — деди Пиот.

АҚШда коронавирус билан касалланишлар сони бўйича рекордлар қайт этилиши давом этмоқда. Жумладан, 29 октябрда АҚШда 90 минг 456 та янги касалланиш ҳолати қайт этилган ва бу янги антирекорд ҳисобланади. NBC News телеканалининг маълум қилишича, ушбу кўрсаткич 28 октябрдагидан деярли 10 минггача кўпроқдир. АҚШда пандемия бошидан бери илк бор кунлик касалланишлар сони 90 мингдан ошди. Шунингдек, сўнгги суткада инфекциядан 982 киши вафот этган. Аввалроқ CNN телеканали Оқ уйнинг коронавирус бўйича ишчи гуруҳи мамлакатнинг гарбий қисмида инфекция узлуксиз ва катта кўламда тарқалаётганидан огоҳлантирганини ва пандемияга қарши чораларни қучайтиришга чакирганини маълум қилган. Охириги маълумотларга кўра, АҚШда касалланишлар сони 9 миллиондан ошиб кетди, инфекциядан вафот этганлар сони 234 мингдан кўпроқни ташкил этмоқда.

### Коронавируснинг бешта асосий симптоми маълум қилинди

Коронавируснинг бешта асосий симптоми: ҳароратнинг кўтарилиши, йўтал, томоқда оғриқ, ҳид ва таъм сезишнинг йўқолиши, ўзини ёмон ҳис қилиш ҳисобланади. Бу ҳақда Россияда хизмат кўрсатган фан арбоби, вирусолог Анатолий Альтштейн маълум қилди. «Узингизда вируснинг 16 та аломатини қидиришга ҳеч ҳам ҳожаат йўқ. Узингизда ҳарорат кўтарилиши, йўтал пайдо бўлиши, ҳид ва таъм сезиш йўқолиши, томоқдаги оғриқ ва ўзингизни ёмон ҳис қилишингизга эътибор қаратиш етарли. Қолган 20 дан кўпроқ аломатга келсак, агар касаллансангиз, буни топишни шифохоналарга қўйиб бERING», — деб айтган вирусолог.

Унинг таъкидлашича, коронавирус инсон организмидagi турли тўқималарни, жумладан, асаб

ҳужайраларини зарарлаши мумкин. Ушбу касаллик симптомлари турфа хил бўлиши мумкин. Шу сабабли Альтштейн асосий симптомлар бўлмаганда, иккиламчи симптомларни излаш керак эмаслигини айтган. «Агар сизда ҳарорат, йўтал ва бошқа симптомлар бўлмаса, унда бармоқларингиз ранги ўзгарганига эътибор қилмасангиз ҳам бўлади», — деб таъкидлаб ўтган Альтштейн.

### Ўзбекистонда 1 октябрдан тўйлар тўйхоналарда ўтказилапти

Ўзбекистонда 2020 йилнинг 1 октябрдан бошлаб тўйхоналар фаолиятига рухсат этилган. Бу ҳақда АОКА ҳузуридаги штабда ташкил этилган брифингда Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги директорининг биринчи ўринбосари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Коронавирусга қарши кураш штаби аъзоси Ботир Қурбонов маълум қилди. «Коронавирус инфекциясининг қириб келиши ва тарқалиб кетиши олдини олиш бўйича Республика Махсус комиссиясининг 2020 йил 30 сентябрдаги йиғилиш баънига асосан карантин чораларини юмшатиш муносабати билан 1 октябрдан тўйхоналар фаолиятига рухсат этилган», — деди Ботир Қурбонов.

Унинг таъкидлашича, бунда «барча имкониятларни ишга солган ҳолда 100-200 кишига эмас, чегараланган ҳолда 30 кишига ўй шароитида қилинган тўйни тўйхоналарда ўтказишга рухсат берилган. Бунда узоқ туманлардан ёки бошқа худудлардан меҳмон чақирмаган ҳолда яқин қариндошлар иштирокида тўйхоналарда ўтказиш мумкин бўлган, яъни туғилган кун, тўй-маърака ва бошқа маросимларни ўтказишга рухсат берилди. Бунга ҳам узоқ ярим тунгача эмас, коронавирус инфекциясининг аҳоли ўртасида тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида чегараланган вақтда рухсат этилди», — деди у.

АҚШ ва Европадаги давлатлар коронавирус пандемиясининг иккинчи тўлкини олдини олиш борасида қатор чоралар қўраётган бир вақтда тўйхоналарда 30 кишилик тўйларнинг ўтказилишига рухсат берилиши қай даражада тўғри? Тўғриси, тўйда келин-куёв билан қўшни ҳисоблаганда 30 киши, яъни, жойлар сони 30 ўринли бўлиши назарда тутилган. Аммо барчамизга маълумки, тўйимиз санъаткорларсиз ўтмайди. Улар ҳам 5-6 кишини ташкил этди. Бундан ташқари, маросимда елиб-оғириб хизмат қилувчилар, яъни официантлар, таомларни тайёрлайдиган ошпазлар бўлади. Демак, «30 кишилик» тўйимизда камида 50-60 киши тўпланиши бор гап. Яқинда тўй, туғилган кунни дабдабали нишонлаш маросимларида қанча одам касаллигини юқтириган, ҳатто ҳаётдан қўз юмгани тўғрисида мақола чоп этган эдик. Булун яна тўйхоналар ишга тушяпти. Мулоҳаза қилиб қўрилса, бироз шошмаяпмизми? Вазиятни тўғри баҳолаяпмизми?..

Интернет маълумотлари асосида «Ўзбекистон овози» муҳбири Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.

Ўтган асрнинг 80-90-йилларида Сарисийнинг ҳисори зотли қўйлари нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё давлатларида ҳам машҳур бўлган.

ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

Сурхондарёнинг иқлими ўзгача: бир пайтда баҳор ва ёзни, кишни кузатиш мумкин. Табиати ҳам ўзига хос: бир томони гўзал водий, бир томони теп-текис яйловлар, чўл, бошқа бир томони пурвиқор тоғлар билан ўралган. Тупроги саҳий, ҳосилдор, бир йилда 3-4 мартагача ҳосил олиш мумкин. Кенг яйлов ва тоғлар этакларида чорвачилик ва боғдорчиликни ривожлантириш учун имконият катта. Шунингдек, балиқчилик, паррандачилик, асаларичиликни ривожлантириш учун ҳам шароит етарли.

Бироқ бу имкониятларга қарамай, жорий йилнинг сўнгги чорагида воҳада картошка, пиёз, гуруч, шолғом, сабзи каби озиқ-овқат маҳсулотлари бироз қимматлашди. Ун, шакар, тухум, ўсимлик ёғининг нархи ҳам сезиларли даражада ошди. Аммо, гўштининг баҳоси кескин кўтарилди. Ҳўш, бунинг асл сабаблари нимада, бу ҳол яна қанчалик давом этиши мумкин? Бу саволларга ойдинлик киритиш мақсадида мутасаддилар, депутатлар ва соҳа вакилларининг фикрлари билан кўридик.

— Мен шифокор сифатида аввало гўштининг фойдали томонлари тўғрисида фикримни айтмоқчи эдим, — дейди бопалар шифокори Умарали Мелибоев. — Гўшт таркибиде инсон саломатлиги учун зарур бўлган 10 дан ортиқ оқсил ва аминокислоталар мавжуд. Ушбу маҳсулотнинг бир кўнлик истеъмол миқдори — 150-220 грамм бўлиб, организм уни 60-90 фоизгача ўзлаштиради. Фойдали жиҳатларини сақлаб қолиш учун уни қайнатиб ёки бугда пишириб истеъмол қилиш тавсия этилади. Қовурилган гўшда холестерин миқдори юқори бўлгани боис, қамроқ тановул қилган маъқул.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, одам бир йилда ўртача 55 килограмм гўшт истеъмол қилиши зарур экан. Мутасаддилар томонидан 2025 йилда Ўзбекистонда аҳоли жон бошига бу кўрсаткич 0,25 фоизга ошиши ёки йилга 54,8 (ҳозирда 41 кг) килограммни ташкил қилиши айтилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса, гўштининг қиммат бўлишида қатор сабаблар бор экан. Биринчидан, озуқа-ем таннархининг юқорилиги бўлса, иккинчидан, воситачиларнинг кўплиги, энг асосийси, зарур ер майдонларининг етишмаслигидир. Шунингдек, яйловларда сув камлиги, кўра ва иншоотлар йўқлиги, махсус озуқа ускуналари (охур) топилмаслиги ҳам шулар жумласидан...

— Ота-боболаримиз чорводор бўлган, — дейди Сарисий туманининг "Нуробод" маҳалласида истиқомат қилувчи Матлуба Курбонова. — Қарамголлари 70 бошдан зиёд қўй ва йirik шохли чорва моллари бор. Чорваимизни ривожлантириш учун имкониятлар етарли. Аммо, яйлов майдонимиз йўқ. Масалани ижобий ҳал қилиб беришларини сураб, 2019-2020 йилларда Сарисий тумани ҳокимилиги, Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ҳамда туман прокуратурасига бир неча марта мурожаат қилдим. Афсуски, муаммо ҳал қилинган йўқ. Жойлардаги ана шундай суъий тўсиқ ва говлар бартараф қилинмас экан, гўшт нархи арзон бўлмайди...


— Ўттиз йилдан буён қасобман, — дейди Собир Муродов. — Илгари қасобчиликдан яхшигина даромад топа бўларди. Аммо ҳозир қийин бўлиб қолган. Ўтган йилнинг ёз ойларига мол гўштини 36-38 минг, қўй гўштини 42-45 минг сўм сотган бўлсак, айни кунларда бу — 55-65 минг сўмни ташкил қилмоқда. Ҳўш, нега?

Бир ёшга етган буқани бозордан 6-8 миллион сўмга сотиб оламиз. Уч ой давомида унга икки тоннага яқин озуқа-ем берилади. Бундан ташқари, семиртирадиган дори, зараркунандаларга қарши ишлатиладиган востиа, ишчи кучи, деганди... Барча сарф-ҳаражат қўшиб ҳисобланганда бу 12-14 миллион сўм, дегандир. Шундай бўлганда кейин гўшт қиммат бўлади-да...

— Озиқ-овқат маҳсулотларининг қимматлашгани таомлар нархига ҳам таъсир қилмай қолмади, — дейди ошпаз Абдуғаффор Назаров. — Қовурилган қўй гўштининг килосини 90 минг сўм сотаётган бўлсак, тандир каюб 110-130 минг сўмгача баҳоланмоқда. Сомса, каюб, шўрва, палов ва бошқа овқатлар ҳам бироз кўтарилган... — Худудда истиқомат қилаётган 92 минг нафарга яқин аҳолининг бир қисмини электратимиз вакиллари ташкил қилади, — дейди Ўзбекистон ХДП Термиз туман Кенгаши раиси Тура Зойиров. — Нарх-навоининг кўтарилгани аввало кам таъминланган ва иктимой муҳофазага муҳтож юрдошларимизга салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, тўрт киши яшайдиган оила бир ойда ўртача бир қол ун, 5 кило гўшт, 5-6 литр ўсимлик ёғи, 2-3 кило балиқ, 5-6 кило

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ АРЗОН БЎЛАДИ

бунинг учун фақат омилкорлик билан иш юритиш лозим



гуруч, 30 дона тухум, 3-4 кило шакар истеъмол қилиши аниқланган. Ўтган йилнинг шу даврида бу маҳсулотлар 480-500 минг сўмга олинган бўлса, ҳозирги кунда бу 650-680 минг минг сўмни ташкил қилмоқда.

Халқимизни ўйлантираётган муаммони ўрганиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ХДП туман Кенгаши, депутатлик гуруҳи ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Гўлбаҳор", "Сабазиюя", "Халқрўбод" ва "Айритом" маҳаллаларидаги 200 га яқин хонадонда бўлди.

Маълумки, халқимизнинг асосий қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Демак, кўпчилида томорқа бор. Ундан унумли фойдаланиш эса давр талабидир. Биласизми, жорий мавсумда бозорларда картошка, пиёз, помидор, каюбон, булғор қалампирни, бодринг, помидор каби озиқ-овқат маҳсулотларининг килоси 200-400 сўмдан, анор, бежи, гилос, олма, олхўри, нок, узум ва бошқа мевалар 2-5 минг сўмдан сотилди. Оқиллик билан иш юритганлар алпақачон кузики мавсумига зарур захира тўллагани бизни хурсанд қилди. Мева ва зираворларни етарли ҳозирлаган бекаларимиздан мамнун бўлдик ҳам.

Аммо, айрим оилаларда ҳамон бепарволик ва лоқайдлик кузатилаётгани афсусланарли. Баъзи томорқалар ўз ҳолига ташлаб қўйилгани кишини ажаблантиради. Томорқалардан самарали фойдаланса, маҳсулот танқислиги ва нарх-наво борасида муаммо бўлмайди... — Гўшт, сут, тухум ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисми деҳқон ва шахсий-ёрдамчи ҳўжаликлар ҳиссасига тўғри келади, — дейди Узун туманининг "Гулистон" маҳалласида яшовчи Носир Бердиев. — Аммо, уларни ўғит билан таъминлаш, ёниги-мойлаш материаллари етказиб бериш ва сифатли уруғ топиш борасида муаммолар бор. Ана шундай масалалар ечим топса, ўйлаيمانки, маҳсулот баҳоси албатта барқарорлашади.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман. Собиқ иттифоқ даврида колхоз-совхозларда 3-4 минг бош қўй ва мол боқиладиган фермалар бўларди. Ҳўжаликлар тугатилганда, чорва бир кишига сотилган бўлса, иншоотлар бошқа тadbиркорга хусусийлаштириб берилди. Бу эса қатор салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Ҳозир аҳолининг чорваси ўтлайдиган яйловнинг ўзи йўқ. Ҳатто, дала четига ҳам мол боқомайсан, киши. Ана шундай нуқсонлар чорванинг бош сони қамайиши ва маҳсулот танқислигига сабаб бўляпти. Яйловлар қимларга, қанча гектардан тақсимланган?

— Ҳўжалигимиз 1990 йилда ташкил топган, — дейди Шўрчи туманидаги "Ақбар" фермер ҳўжалиги иш бошқарувчиси, УзХДП аъзоси Шайдулло Курбонов. — Тасарруфимизда 363 гектарга яқин ер майдони бор. Унинг 300 гектари

ёзги яйлов бўлса, 59 гектарга пахта ва галла экилади. 2,5 гектар боғда бодом парвартиш қилинмоқда.

Эл фаровонлиги ва дастурхон тўқинлиги йўлида соҳаларни кенгайтираямиз. Ҳўжалида 160 бош қўй, 37 бош қорамол ва юзга яқин парранда боқилаётган бўлса, 1,20 гектардаги ҳовузда балиқ етиштирамиз. Томорқадаги 20 тупга яқин мевали дарахт ҳар йили 8-10 тонна ҳосил беради. Помидор, бодринг, каюбон, булғор қалампир, картошка, пиёз экамиз. Ишонасизми, ўн беш йилдан буён рўзгор учун гўшт, сут, тухум, балиқ, мева ва бошқа маҳсулот сотиб олингани йўқ.

2018 йилда соф фойдамиз 60 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 85 миллион сўмдан ошди. Жорий йилда эса 110 миллион сўм даромад қилишни режалаштириб турибмиз. Излаган имкон топар, деганларидек йил охиригача Украинадан 33 бош наслдор қорамол олиб келмоқчимиз. Бодомзорни 10 гектарга етказсак, йилига 10-12 тонна ҳосил олинади. "Ақбар"нинг рақобатбардош маҳсулотларини келажакда хорижа экспорт қилиш кўзда тутилган.

Бозор — аслида талаб ва таклифдан келиб чиқади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг арзон бўлиши учун айрим таклифларни айтмоқчиман. Биринчидан, чорвачиликка ихтисослашган фермер ҳўжалиқларига макка, беда ва бошқа озуқабол экин экиш учун сувли майдонлар ажратилса, мақсада мувофиқ бўларди. Ҳозирги кунда Шўрчи туманида бир бог маккаюя 5-6 минг, беда 8-10 минг, кепак, макка ёрмаси ва ёғли шротнинг килоси 2-4 минг сўмдан сотилаётганини инobatга оладиган бўлсак, масала ниҳоятда жиддий эканлигидан далолат беради. Иккинчидан, минерал ўғит таннархини назорат қилиш вақти келди, деб ўйлаيمان. Тадбиркор ниқобидеги айрим "ишбилармонлар" азотнинг бир қопини 120, карбамидни 150, аммофосини эса 250 минг сўмгача пулламоқда. Бу нафақат томорқа ер эгалари, балки халқимизнинг ҳам ҳақли эътирозига сабаб бўляпти.

Яна бир муҳим масала — ҳар бир хонадонда чорва, балиқ, парранда, асалари, мева-сабзавот етиштириш йўлга қўйилса, ўйлаيمانки, ўз-ўзидан барака энади. Шундагина бозорлар обод, дастурхонлар тўкин, кўнглилар хотиржам бўлади.

— Ўтган асрнинг 80-90-йилларида Сарисийнинг ҳисори зотли қўйлари нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё давлатларида ҳам машҳур бўлган, — дейди Сурхондарё вилоят худудий чорва-наслчилик марказининг Сарисий тумани вакили Жомаҳмад Саидмурзаев. — Собиқ иттифоқ даврида Москвада ўтказилган халқаро кургазма ва танловларда Сарисий тумани ушбу чорва тури бир неча марта голиблики қўлга киритганини кўпчилик яхши эслапти.

Асосан гўшт ва ёғ учун боқиладиган ҳисори зотли қўйлар тана тузилишининг пишқилиги, кўкрагининг кенлиги, суяқларининг бақувватлиги, тумшугининг дўнглиги, бошининг йириклиги ҳамда белининг узунлиги билан ажралиб турган. Совлиқлар 120-130, кўчорлар 160 килограммгача тош босган бўлса, думбаси 18-20, ҳатто 25 килогача семирган. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг 30 апрель-1 май кунлари Сурхондарё вилоятида бўлганида Сарисий туманида чорвачилик, хусусан, ҳисори қўйчиликни ривожлантириш борасида зарур кўрсатма ва топшириқлар берган эди.

Белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида махсус уюшма ташкил қилинди. Қўйчиликка ихтисослашган 52 та фермер ҳўжалиги мутасаддилари ҳамда 200 га яқин тажрибали чорвадорлар билан учрашдик. Чўпон-чўликларни қийнаётган масалалар атрофида ўрганилган ҳолда муаммолар бартараф этилмоқда. Истиқболли лойиҳаларга асосан жорий йилда қўйлар бош сони 180 мингга, 2025 йилда эса 400 минг бошга етказилади. Ишончим комилки, Сарисийнинг ҳисори зотли қўйлари шон-шухратини тиклайди ва гўшт маҳсулотлари нархи арзонлашади.

Шу ўринда айрим таклифларни ҳам айтмоқчиман. Сўнгги 10-15 йилда Қозғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва бошқа мамлакатларда ҳам ҳисори қўйчилик ривожлана бошлади. Масалан, 100 кило тош босадиган кўчорлар Америка, Германия, Туркия, Жанубий Корея, Хитой ва бошқа мамлакатларда 6-6,5 минг долларгача баҳоланмоқда. Бу ўртача 60-70 миллион сўм, дегандир. Шундай экан, алпақачон жаҳон бозорига чиқиш вақти келди. Бунинг учун халқаро кўрғазмаларда иштирок этиш ва хорижлик ҳамкорлар билан алоқаларни мустақамлаш керак. Тўғри, ҳудудда мол ва қўй гўшти етарли бўлса-да, аммо қайта ишлайдиган қорхоналаримиз йўқ. Ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар экспорт йўлга қўйилса, 4-5 баробар кўп фойда олинган бўларди.

Маълумки, ҳисори қўйларнинг жуни 1 йилда 2 марта (баҳорда ва кўзда) қирқилади. Кўчорлар 1,3-1,6 кг, совлиқлар эса 1,0-1,4 килогача дағал жун беради. Санoат учун муҳим ҳисобланган хомашёдан кигиз, намат ва бошқа тўшамалар тайёрланмоқда. Фармацевтика ва косметология соҳасида ҳам кенг қўлланилаётгани сир эмас. Афсуски, бунга эътибор қаратилмаяпти. Икки имкониятлар ишга солинса, рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар қўйлади.

— Чорва молларини юқумли касалликлардан сақлаш ҳам асосий вазифалардан бири, — дейди ветеринар шифокор Умарали Курбонов. — Бунинг учун маъсумий эмлаш тadbирларини намунали ташкил қилиш керак. Хавфли хасталикларни олдини олиш учун дори-дармонлар етарли бўлса-да, ўтган асрнинг охирида ишлаб чиқарилган асбоб-ускуна ва лаборатория жиҳозларидан ҳамон фойдаланиб келяпмиз. Уларнинг баҳоси эса ниҳоятда қиммат. Бу ҳам охир-оқибат гўшт нархининг ошишига сабаб бўлмоқда.

— Воҳанинг экспорт салоҳияти тобора яхшиланаётганини қувонарли, — дейди халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Бахтиёр Аҳоров. — Уч-тўрт йил аввал санокли давлатлар билан ҳамкорлик қилинган бўлса, қисқа даврда Афғонистон, Тожикистон, Қозғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Россия, Украина, Эстония, Сингапур каби 30 га яқин мамлакат билан ҳар томонлама мустақам алоқа ўрнатилди. Жорий йилнинг 9 ойда 253 та қорхона томонидан 150,4 миллион долларлик ёки 291 турдаги маҳсулот экспорти амалга оширилгани ҳам бунинг тасдиғидир. Унинг 87,4 миллион долларини санoат, 63 миллион долларини эса мева-сабзавот маҳсулотлари ташкил қилган. Экспорт қўламини янада кенгайтириш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан шу йилнинг 16 октябрь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида махсус ишчи гуруҳи ташкил қилдик, — дейди Денов туман ҳокими Бахтиёр Ибатов. — Худудда 390 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилса, 2021 йилнинг май ойигача халқимиз учун 135 минг 252 тоннадан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари зарурлиги аниқланди. Унинг 82 минг 438 тоннадан ортиги алпақачон тайёрлаб қўйилди. 52 минг 500 тоннага яқин парранда гўшти, балиқ, шакар, гуруч, ун, ўсимлик ёғи эса бошқичма-бошқич Хоразм, Самарқанд, Жиззах, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридан олиб келинади. Асосий мақсадимиз — аҳолининг арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлашдир.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, "Ўзбекистон овози" мухбири.

Биласизми?

Гўшт маҳсулотларини қўйидаги ҳолларда сотишга руҳсат берилмайди



- сўйилиши ихтисослаштирилган ва мини сўйиш қорхоналарида амалга оширилмаган бўлса;
— гўшт ва гўшт маҳсулотларини ташвиш учун белгиланмаган транспортда етказиб берилган бўлса;
— ветеринария ҳужжатлари бўлмаса;
— ихтисослаштирилган сўйиш қорхонасининг Ф-200 шаклдаги маълумотномаси бўлмаса;
— ветеринария-санитария экспертизасининг ҳулосаси (маълумотномаси) бўлмаса;
— оёқлари ва бош қисми жун билан бирга бўлса, шунингдек парранда ва қўшларнинг патлари юлинмаган бўлса;
— хона ёки қўча ҳароратида илгакка осилган ёки ерга (очик раста устига) очик ҳолда қўйилган ҳолда бўлса;
— ветеринария-санитария жиҳатидан хавфсизлиги кафолатланган гўшларнинг ягона электрон маълумотлар базасига киритилмаган бўлса.

ЎҚИТУВЧИЛАР

Тиббий қўриқдан ўтиш учун пул тўлайдиларми?



Меҳнат кодексига мувофиқ, иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тазрда ва кейинчалик вақти-вақти билан умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимларини тиббий қўриқдан ўтказишни ташкил қилиши шарт.

Ходимлар тиббий қўриқдан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмас. Тиббий қўриқдан ўтиш муносабати билан ходимдан пул ундирилмайди, шунингдек, тиббий қўриқни ўтказиш вақтида ходимнинг иш жойи (павозини) ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

БИР ҚАТОР ШАХСЛАРГА

автомобиль бензини сотиб олишга харажатларнинг бир қисми учун ойлик пул компенсацияси тўланади



Қонунчиликка мувофиқ, бир қатор шахсларга автомобиль бензини сотиб олишга харажатларнинг бир қисми учун ойлик пул компенсацияси тўланади. 2019 йил 15 августдан компенсация миқдори 75 000 сўмни ташкил этади.

- Компенсация олиш ҳуқуқига эга шахслар рўйхати:
— уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар;
— уруш фахрийлари ва уларга тенглаштирилган шахслар;
— меҳнатда майиб бўлиш ва касб касаллиги туфайли I ва II гуруҳ ногиронлари;
— I ва II гуруҳ болалиқдан ногиронлар.
Компенсацияни тайинлаш учун пенсиялар ва нафақаларни тайинлайдиган органларга қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
— ариза;
— паспорт нусхаси;
— имтиёзга бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги гувоҳномалар нусхалари (уруш қатнашчилари ва ногиронлари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар учун);
— тиббий-меҳнат эксперт комиссияларининг маълумотномалари нусхалари (меҳнатда майиб бўлиш, касб касаллиги туфайли ногиронлар ва болалиқдан ногиронлар учун);
— автоматотранспортнинг техник паспорти нусхаси;
— ҳайдовчилик гувоҳномаси нусхаси ёки Иккинчи жаҳон уруши ногирони билан доимий бирга яшайдиган ва у билан бир турар жой майдонида рўйхатдан ўтган оила аъзосининг ҳайдовчилик гувоҳномаси, паспорти нусхалари ва у томонидан автоматотранспорт воситасидан фойдаланиш ҳуқуқига ишончнома.

Ақдлия вазирлигининг телеграмдаги "Huquqlq axborot" канали.

ЭЪЛОН

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2020 йил 3 декабрь куни бошлангич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидеги очик аукцион савдоларини ўтказилади!

Аукцион савдоларига Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика қўргони, Анайбулоқ кўчаси, 3-«А» уйда жойлашган Фавқулодда вазиетлар вазиетлиги Махсус муҳандислик-қурилиш бошқармаси (99951-сонли харбий қисм) балансидаги қуйидаги қозонхона жиҳозлари қўйилади:

Table with 5 columns: №, Номи, Миқдори, Бир бирлик (бир дона)нинг бошлангич нархи (сўм), Умумий бошлангич нархи (сўм). It lists various equipment items like gas valves, pumps, and fans with their respective quantities and prices.

Талабгорлардан буюртномаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18-00да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун бошлангич нархининг камида 20 фоизи миқдоридеги закатлат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтохур филиалидаги ФА-00425, СТИР-302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади. Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закатлат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этиб тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади. Мазкур объектлар юқориде белгиланган савдо куниде сотилмаган тақдирда, улар буйича тақдорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу объектларга қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотнинг юқориде кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин. Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 14-уй, 8-хона. Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: (71) 209-23-41; факс: (71) 209-23-41, электрон почта: TUAS\_MCHJ@mail.ru.

Ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги дўстлик ва қардошлик алоқалари бир неча минг йилларга бориб тақалади.

# МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗЛАР

## ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

**Кўп миллатли ватанимизда ўзбек халқи билан бирга бошқа миллатлар тили, маданияти, урф-одатлари, ўзига хос санъатини сақлаш ва ривожлантириш учун яратилаётган шарт-шароитлар ва имкониятлардан биз тожиклар ҳам мамнунмиз.**



Қонимда ўзбеку, жонимда тожик, Жонимда ўзбеку, қонимда тожик. Шодлигимдан шоду қайғумдан гамгим – Қошимда ўзбеку, ёнимда тожик. Мени мендан жудо айлаб бўлурму? Ўз-ўзига жафо айлаб бўлурму? То Жомий ўзимман, Навоий ўзим, Мени ҳеч бенаво айлаб бўлурму? Қадимий Туроннинг ўғлини – ўзим, Шу юртинг беги-ю султони – ўзим, Навоий, Жомийнинг девони – ўзим, Дардим-у ранжимнинг дармони – ўзим. Бешгим ўзбекча, тўйим – тожикча, Останам ўзбекча, уйим – тожикча. Ўзбекча тўним бор, тожикча дўппим, Қўшигим ўзбекча, қуйим – тожикча. Иймоним ўзбеку, виждоним – тожик, Орзум ўзбеку, армоним – тожик. Табибим ўзбеку, дармоним – тожик, Бинафшам ўзбеку, райхоним – тожик. Бир кўзим тожик, бир кўзим – ўзбек, Бир оғзим тожик, бир оғзим – ўзбек. Осмоним тожик, юлдузим – ўзбек, Юрагим тожик, мен ўзим – ўзбек.

тамоийллари белгилаб қўйилган. Кейинги уч-тўрт йил ичида ўзбек-тожик муносабатларини мустаҳкамлаш борасида улкан ўзгаришлар содир бўлди. Президентимизнинг 2018 йилда давлат ташифи мақомида Тожикистонга сафари билан икки томонлама алоқалардаги янги саҳифа очилди. 2018 йилнинг август ойида Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоннинг Ўзбекистонга давлат ташифи ўзбек-тожик муносабатлари тарихида алоҳида аҳамият касб этди. Ўзбекистон ва Тожикистон етакчиларининг қатъий сиёсий иродаси туфайли ўзбек-тожик муносабатлари тарихий янги босқичга кўтарилди. Йиллар давомида тўпланган энг оғриқли масалалар ҳал бўлди, жумладан, икки мамлакат ўртасидаги виза тартибига катта ўзгаришлар киритилди. 2018 йил давомида Тошкент-Хўжанд-Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё йўналишлари бўйича халқаро автобус қатновларининг йўлга қўйилиши, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси икки давлат фуқаролари манфаатларини кўзлаб, авиачипталар нархини икки марта арзонлаштириши, Душанбе билан Тошкент, Самарқанд ва Бухоро ўртасида авиақатновларнинг қайта тикланиши бу икки халқ ўртасидаги борди-қелдиларнинг ошаётганлигини далolat беради.

2017 йил якунларига кўра, икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси 240 миллион долларни ташкил қилган эди. Бу сўнгги 20 йил ичидаги энг энг юқори кўрсаткич. 2018 йилнинг биринчи яримида Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 35 фоизга ўсган. 2018 йилгача Ўзбекистонда тожик бизнеси вакиллари иштирокидаги 24 корхона, Тожикистонда эса юртимиз тадбиркорлари билан ҳамкорликда ташкил қилган 9 та корхона фаолият юритган. 2017 йилда Тожикистонда Ўзбекистоннинг 6 та "Савдо уйи", Тошкентда эса Тожикистоннинг "Савдо уйи" очилди. Икки мамлакат ўртасида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражада юздан ортқ шартнома ва келишувлар имзоланди. Буларнинг барчаси икки қардош ва тақдирдош халқ ўртасидаги дўстлик алоқаларининг ёрқин келажигидан далolat беради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 10 та тожик миллий маданий маркази ва икита филиалини ўзида бириштирган Республика Тожик миллий маданий маркази 2008 йилда ташкил этилган. Ўзбекистонда миллатлараро тугувлини таъминлаш, ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги дўстлик, қардошлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда яшовчи тожикзабон фуқароларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадига тожик тили, адабиёти, тожик халқи миллий маданияти ва санъати, урф-одатлари ва

қадриятларини сақлаш, уларни ривожлантиришга ҳисса қўшиш Ўзбекистон Тожик миллий маданий марказининг асосий вазифалари сифатида белгиланган. Мана, ўн икки йилдан буён Марказ Низоми амалда бўлиб келяпти. Аммо маълумки, охириги 3-4 йил ичида мамлакатимизда катта сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ўзгаришлар юзга келди, бугунги давр талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда янги қарорлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. айна пайтда туб ижтимоий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз миллатлараро тугувлик ва диний багрикентлик масаласига давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қараётгани бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юклайди. Юртбошимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида Ўзбекистон, диний багрикентлик ва миллатлараро тугувлик масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Шулардан келиб чиққан ҳолда Республика Тожик миллий маданий маркази фаолиятини ҳам тубдан ислох этиш фурсати етди, деб ўйлайман. Бунинг учун биз биринчи навбатда Марказ Низомини қайтадан таҳрир қилиб, тасдиқлаб олишимиз керак. Янги таҳрирда бошқа миллий марказлар Низомининг энг яхши анъаналаридан фойдаланиш лозим, ундан бугунги янги даврнинг нафаси уфуриб туриши лозим. Қолаверса, мамлакатимиз тожикзабон аҳолисининг бугунги даврдаги талаб-эҳтиёжлари инобатга олиниши зарур.

Йил давомида режадаги тадбиримиздан ташқари мунтазам равишда бажариладиган бир қатор ишларимиз ҳам бор. Жумладан, республикамиздаги таълим тўла ёки қисман тожик тилида олиб бориладиган 250 дан зиёд умумтаълим мактаблари, Самарқанд, Термиз, Фарғона давлат университетлари ҳамда Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институтида тожик тилидаги гуруҳлар мавжуд. Йил давомида уларнинг тадбирларида қатнашиш, таълим вазиятидан хабар олиш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ўзбекистонлик тожикзабон ижодкорларнинг илмий ва бадий асарларини нашрга тайёрлаш ҳам бизнинг вазифамиз ҳисобланади.

Бир ҳадиси Кудсийда "Кимки ўз нафсини таниса, у ўз Раббини танийди", дейилади. Бу – жудаям улғур бир ҳикмат. Зеро, ҳақиқатан ҳам ўзини таниган одам бошқаларни танийди, ўзгилни англаган инсон дунёни англайди, ўзини ҳурмат қилган киши бошқаларни ҳам ҳурмат қилади, ўз ота-онасини ҳурмат-иззат қилган фарзанд бошқаларнинг ота-онасига ҳам эҳтиром кўрсатади, ўз миллати ва маданиятини ардоқлаган киши бошқа миллат ва маданиятларга ҳам ҳурмат қўзи билан қарайди. Пировардида, ўзини билган, ўзини таниган банда ўз Парвардигорини ҳам танийди. Биз – Ўзбекистон тожиклари доимо ана шу ҳикматга риоя қилиб келганимиз, уни ўз шиирибига, ҳаёт тарзимизга айлантирганмиз. Табарруқ ватанимизда яшайдиган барча миллат вакиллари худди шу фикрда эканлигига аминимиз.

Республика Тожик миллий маданий маркази ва унинг кўп сонли аъзолари янги тараққиёт босқичига кўтарилаётган, янги Ўзбекистоннинг ҳар томонлама ривожлантириш, мамлакатимизда миллатлараро тугувлини мустаҳкамлаш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги азалий ва абадий дўстлик ва қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилишни ўзи учун шараф, деб билади.

**Жаъфар ХОЛМУМИНОВ,**  
Ўзбекистон Тожик миллий маданий маркази раиси, Тошкент давлат шарқшунослик университети "Манбашунослик ва тасаввуф герменевтикаси" кафедраси доценти.

# КУТУБХОНА — НУРХОНА

Китоб туманининг Чармгар маҳалласида кутубхона очилди



Бугун биз шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшамоқдамиз. Жамиятни тиклей, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш натижасида янги Ўзбекистон шаклланимоқда. Шаҳар ва маҳаллаларимиз обод бўлмоқда. Яқинда Китоб туманидаги олти ярим мингга яқин аҳоли яшайдиган «Чармгар» маҳалласида очилган кутубхона ҳам ана шу ўзгаришларнинг натижасидир.

Маълумки, кутубхоналар қадим-қадимдан инсонлар учун маънавий ва маърифат ўчоғи, жамият ҳаётининг ажралмас қисми бўлган. Мозийга назар ташладиган бўлсак, бой кутубхоналарга эга бўлган давлатларда қадимдан фан ва маданият яхши ривожланган, буюк аллома ва машҳур кишилар етишиб чиққан. Бухорода Ибн Сино даврига ҳам дунёга донни кетган машҳур кутубхона бўлган. Кейинчалик бу зиё маскани ёнгина учраганини тарихдан яхши биламиз. Буюк соҳибқироннинг ҳар икки ҳазинасидан бири кутубхонаси ҳисобланган.

Ҳазрат Алишер Навоий китоб санъати тарихида ўзига хос даврни бошлаб берди. Унинг бевосита кўмағи билан Бехзод, Султон Али Машҳадий, шох Музаффар каби ўнлаб китоб санъатига моҳир хаттотлар етишиб чиқди. Буюк бобоқалонларимиз китоб яратиш билан бирга уларни авайлаб-асраш борасида ҳам ўрнатқур-санлар.

Ўрта Осиё халқининг фан ва маданияти бир ярим аср давомида мўғил истилочилари томонидан вайрон қилинган. Кейинчалик тикланиш даврида маҳаллий ҳукмдорлар сулолавий кутубхоналар ташкил этган, китоб ҳазинасини тўллаш аънаънага айланган. Айниқса, кутубхоначилик иши ривожланишига Амир Темур ва темурийлар ҳокимияти йилларида катта эътибор берилган.

Буюк соҳибқирон даврида Самарқанд шаҳридан китоб олиб чиқиш ман этилган, китоблар тенгисз бойлик сифатида қўриқланган. Бугунги кунда ҳам ҳар бир қурилиш лойиҳаларида зиё масканлари бунёд этилишига алоҳида эътибор қаратилаётган. Қарақўл авлоднинг билгимини ошириш учун керакли адабиётлар, ҳаётнинг энг сара асарлари билан таъминланмоқда.

«Чармгар» маҳалласидаги вилоят агросаноат ҳодимлари қасаба уюшмасининг бевосита ташаббуси билан ташкил этилган кутубхонада ҳам ўқувчиларга барча шарт-шароитлар яратилди. Кутубхонага 33 миллион сўмлик мингдан ортқ турли хил бадий адабиётлар ва компьютер жамланмаси олиб берилди. Маҳалла аҳолиси, айниқса, ёшлар учун бу катта соғва бўлди.

**Зилола НОРОВА,**  
Ўзбекистон ХДП Китоб туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎХДП гуруҳи аъзоси.

# КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Учтепа туман фавқулодда вазиятлар бўлими, «Худудгаз тармоқлари» корхонаси ҳамда туман ёнгини сақлаш жамияти ҳамкорлигида туман аҳолиси хонадонларини куз-қиш мавсумига тайёргарлиги бўйича техник ўрганиш олиб боришмоқда. «Дегрез» маҳалласида аҳоли хонадонларида иситиш мўриконларининг созлиги текширилиб, газ қурилмалар техник қўриқдан ўтказилди. Текшириш натижаларига кўра, 3 та носоз газ ускуналари таъмирланди, 1 та иситиш қозонхонаси мўриконлари тазаланиб, соз ҳолатга келтирилди. Жами 286 та хонадон ўрганилиб, 2132 та фуқарога тушунтириш ишлари олиб борилди.

Шунингдек, тумандаги қурилиш майдонларида ёнгин хавфсизлиги ва фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш борасида тарғибот ишлари амалга оширилмоқда. Қурилиш майдонларида ўрнатилган вагонларда ёнгин хавфсизлиги ҳолатлари ўрганилиб, келиб чиқиши мумкин бўлган ёнгинларнинг олди олинмоқда.

**Эржан СУГУРБАЕВ,**  
Учтепа туман Фавқулодда вазиятлар бўлими профилактика ва назорат бўлими инспектори.

## ЭЪЛОН

### «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ АХБОРОТИ

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ томонидан 2020 йил 29 октябрь кўни ўтказилган аукцион савдоси натижасига кўра, Ирригация хўжалигини ва кўкпаламзорлаштириш объектларини таъмирлаш итиссослаштирилган бошқармаси балансидаги д/р 01 СС 467 бўлган «ТТЗ-8010» русумли трактор – 15 500 000 сўмга сотилганилиги ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Махсус муҳандислик-қурилиш бошқармаси (99951-сонли ҳарбий қисм) балансидаги жами бошланғич баҳоси 103 750 179,40 сўм бўлган 22 турдаги қозонхона жиҳозлари ушбу ташкилотнинг 2020 йил 29 октябрдаги 926-сонли хатига асосан аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

## ҚАРОР ВА ШАРҲ

# РАҚАМЛАШТИРИШ ТИЗИМИ

## Судлар фаолиятига таътир этилади

Ҳаёт шиддат билан ўзгариётган бугунги кунда мамлакатимизда замонавий ахборот технологияларидан тобора кенг фойдаланилмоқда. Жумладан, судлар фаолиятида ҳам очиклик ва шаффофликни таъминлашда ахборот тизимлари жорий этилмоқда. Президентимизнинг шу йил 3 сентябрдаги «Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ана шу мақсадга қаратилганлиги билан мумкин аҳамиятга эга.

Қарорда қайд этилганидек, сўнгги йилларда рақамли технологияларни суд органлари фаолиятига жорий этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, судларга масофадан туриб мурожаат қилиш, суд мажлисларида видеоқонференцалоқа тизимида фойдаланиш широк этиш, судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш, суд қарорларини Интернет тармоғида эълон қилиш, ижро ҳужжатларини электрон шаклда мажбурий ижрога юбориш тизимлари жорий этилди.

Қарорга асосан амалдаги қонунчиликка суд органлари фаолиятига рақамли технологияларни жорий қилишга қаратилган бир қатор ўзгаришлар ва қўшимчаларни киритиш билан боғлиқ нормалар белгиланди. Фуқаролар ва тадбиркорлик субь-

ектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турлари кенгайтирилади. Ҳар бир мурожаатни қўриб чиқиш жараёнининг онлайн қўзатиб борилиши таъминланади. Суд билонларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имконияти яратилади. Судларда одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш мақсадида вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан электрон маълумотлар алмашинуви янада кенгайтирилади. Махсус ахборот дастурларини жорий этиш орқали судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлиги таъминланади. Суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан, мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имконияти кенгайтирилади. Шунингдек, иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имконияти яратилади.

Маъмур қарор билан 2020-2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш дастури ҳамда судларнинг ахборот тизимларини давлат органлари ва ташкилотларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича «йўл харитаси» тасдиқланди.

Дастурда 2021-2023 йилларда барча судларда суд мажлислари иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш кўрсатилди. Унга кўра, суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш, апелляция ва кассация инстанцияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш белгиланди. Бундан ташқари, барча иштирокчиларга суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида «SMS» хабар орқали маълум қилинади. Суд қарорларини иш бўйича тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қозғоқ шаклида тақдим этилади. Суд ҳокимияти органлари фаолиятида, шу жумладан, фуқаролар ва тадбиркорлик субьектларига одил судловга эришишда қўлайлик яратиш мақсадида 10 га яқин интерактив хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди. Шунингдек, суд ишларини давлат архивига электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш, судларнинг ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини янада яхшилаш каби чора-тадбирлар белгиланди.

Қарор билан тасдиқланган, «йўл харитаси» асосида бир қатор вазифалар белгиланди. Хусусан, давлат

органлари ва ташкилотлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини қўриб чиқиш қабулхоналари ахборот тизимлари Олий суднинг ахборот тизимига бошқимча бошқимч уланади. Судлар томонидан давлат органлари ва ташкилотларига тақдим этиладиган маълумотлар электрон шаклда юборилади. Муайян ишни қўриш жараёнида зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатлар фуқароларни овоза қилмаган ҳолда судлар томонидан бевосита давлат органлари ва ташкилотларидан электрон шаклда олинади. Судлар томонидан жарималарни қамайтириш ёки уларни қўллаш мақсадлари билан қўриб чиқишда «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ва бошқа ахборот тизимларининг интеграцияси орқали фуқаронинг ҳуқуқий ҳолати ва ижтимоий аҳоли ҳақидаги ишончли маълумотлар билан танишилади. Шунингдек, судлар томонидан алимент мидорини белгилашда туманлар кесимини ўртача ойлик иш ҳақлари тўғрисида маълумотларни ахборот тизими орқали электрон шаклда олиш каби вазифалар белгиланди.

Эндиликда Олий суд ахборот тизими билан давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали жамоний ва юридик шахслар ҳақидаги мавжуд маълумотлар судларнинг электрон сўрови бўйича бепул асосда тақдим этилади.

Қарорга асосан, 2022 йил 1 январдан бошлаб судлар фаолиятига

**Абдуллажон МУХИДДИНОВ,**  
Фавқулодда вазиятлар бўлими раиси.

# Аъзам Ўктам муқаддас она тилимизнинг билимдони ва жонкуяри эди.

ХОТИРА

## АЪЗАМНИНГ ЎКТАМ ВА ЎЛМАС СЎЗИ

Қалб ва тафаккурнинг ҳамоҳанг зарбида яратилган асарларда жамият ва даврнинг уйғунлиги, одам ва оламнинг чин тугўнлари акс этади. XX аср ўзбек адабиётининг забардаст адибларидан бири, таниқли шоир ва таржимон Аъзам Ўктам муқаддас она тилимизнинг билимдони ва жонкуяри эди. Шоирнинг 60 йиллигига бағишлаб Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университетида Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Москва давлат Лингвистика университети билан ҳамкорликда ўтказилган "Аъзам Ўктам ижоди бадиияти" мавзусидаги халқаро онлайн илмий-амалий анжуман доирасида адабиётшунослик, тилшунослик, тил таълими, педагогикага оид долзарб муаммолар тадқиқ этилди.

Анжуманни Андижон давлат университети ректори, профессор Аҳром Юлдашев очди. Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, сенатор Минҳожиддин Мирзо, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирожиддин Сайид, Самарқанд давлат университети ректори, профессор, сенатор Рустам Холмуродов, Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор Ҳасан Нормуродов, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раҳбари Энахон Сиддиқоваларнинг конференцияга йўллаган табриклари ўқиб эшиттирилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори, филология фанлари доктори, профессор Низомиддин Маҳмудовнинг "Аъзамнинг ўктам ва ўлмас сўзи", Ўзбекистон давлат хореография академияси ректори, доцент Шухрат

Тохтасимовнинг "Аъзам Ўктам шеъриятида санъат терминлари", Самарқанд давлат университети профессори, филология фанлари доктори Хотам Умуровнинг "Аъзам Ўктам ижодининг руҳий-фалсафий бадиияти", Москва давлат Лингвистика университети доценти, педагогика фанлари номзоди Беғам Қораеванинг "Аъзам Ўктам шеъриятида тилнинг бадиий-тасвирий воситалари", Туркиянинг Нейде университети профессори Мустафо Қурқмаснинг "Ўзбек-турк шеърининг хур саси Аъзам Ўктам", Жанубий Қозоғистон давлат педагогика университети профессори Шахло Норалиева ва Чимкент шаҳридаги 53-мактаб ўқитувчиси Салимжон Ганиевнинг "Аъзам Ўктамнинг "Алишер Навоий" шеъри ҳақида", Ўзбекистон миллий университети профессори, филология фанлари доктори Раъно Сайфуллаеванинг "Аъзам Ўктам шеъриятида барқарор бирикмалар", Низомий номидаги



Тошкент давлат педагогика университети профессори, филология фанлари доктори Қурдош Қаҳрамоновнинг "Аъзам Ўктам бадиияти", Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилояти бўлими раҳбари, таниқли шоир ва жамоат арбоби Зиёвуддин Мансурнинг "Аъзам Ўктам ижодида ирфоний тафаккур", Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети профессорлари, филология фанлари докторлари Баҳодир Каримнинг "Аъзам шоирнинг ўктам овози", Узоқ Жўрақуловнинг "Аъзам Ўктам шеъриятининг уч асоси", филология фанлари номзоди, доцент Абдулла Улуговнинг "Дардақаш шоир", Андижон давлат университети профессори, филология фанлари доктори Дилмурод Қурононинг "Аъзам Ўктам шеърияти ҳақида айрим қайдлар", Фарғона давлат университети профессори, филология фанлари доктори Сиддиқжон Мўминовнинг "Шоирнинг дили ва тили ҳақида", Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирининг давлат тили бўйича маслаҳатчиси, филология фанлари доктори Маъруфжон Йўлдошевнинг "Ёруғликка бошловчи шеърият" мавзусидаги маърузалари ва бошқа олимлар-

**➔ Аъзам Ўктам нафақат шоир, балки таржимон, муҳаррир, ёшларнинг жонкуяр устози, ислом маданияти, маърифати тарғиботчиси сифатида ҳам улкан эътироф ва эъозга лойиқдир.**

нинг фикр-мулоҳазаларини йиғилганлар қизиқиш билан тинглашди. — Аъзам Ўктам нафақат шоир, балки таржимон, муҳаррир, ёшларнинг жонкуяр устози, ислом маданияти, маърифати тарғиботчиси сифатида ҳам улкан эътироф ва эъозга лойиқдир. — дейди Андижон давлат университети доценти Зилолаҳон Эшонова. — Анжуманга 100 дан ортиқ мақолалар келди. Айниқса, Россия,

Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон олимлари ва тадқиқотчиларининг иштироки ўзбек тили ва адабиётининг нуфузи жаҳон миқёсида юксалиб бораётганидан дарак беради. Энг муҳими, анжуман доирасида таниқли шоир ва моҳир таржимон Аъзам Ўктам ижодининг янги қирралари кашф қилинди. Унинг шеърияти нафақат адабиётшунослик, тилшунослик, педагогика, психология, методика, тарих ва фалсафа фанлари, балки санъатшунослик, манбашунослик нуқтаи назаридан ҳам таҳлил қилинди. Фарғоналик машҳур ҳофиз Одиқжон Сулаймонов Аъзам Ўктамнинг "Иқро" шеърига куй басталаб, жонли ижро этди. Ўзбекистон давлат хореография академияси санъатшунослик йўналиши 3-босқич талабалари Гулмира Курбонова, Бобур Муллажонов, Рузахон Мирзақаримова ҳамда Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ўқувчилари шоир шеърларидан намуналар ўқиди. Халқаро конференция қизгин бахс-мунозаралар руҳида ўтди.

**Сабина ҲОЖИЕВА, Тошкент давлат юридик университети қошидаги академик лицей ўқувчиси.**

### РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

#### ҲУРМАТЛИ ТАБИИЙ ГАЗ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ!



Табиий газдан заҳарланиш билан боғлиқ ҳодисалар асосан куз-қиш мавсумида рўй бераётганлиги сабабли, уларнинг олдини олиш мақсадида, аҳоли орасида доимий тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади.

Шундай экан, ўзимиз ва атрофимиздагиларни табиий газдан нотўғри фойдаланиш, айниқса, қўлбола иситиш мосламаларидан фойдаланиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалардан огоҳ бўлайлик.

Юқоридагилардан қайиб чиқиб, "Hududgaz Poytaxt" газ таъминоти филиали аҳоли орасида табиий ва ис газдан заҳарланишнинг олдини олиш бўйича қуйидагиларни яна бир бор эслатиб ўтади:

- Газ тармоқлари ва жиҳозларини текширувдан ўтказинг;
- Хонада газ ҳидини сезсангиз, электр асбобларини асло ёқманг, ёқилган бўлса, ўчириб қўйманг, аксинча зудлик билан эшик ва деразаларни очиб, хонани шамоллатинг ва дарҳол "104" телефон рақамига қўнғироқ қилинг;

- Газ жиҳозлари (газ плита, иситиш печлари) устида ювилган кийимларни қуритманг;

- Болаларни уйда ёлғиз қолдирманг ва уларнинг газ асбобларидан фойдаланишига йўл қўйманг, (олов билан уйнаш хавфли эканини ўқитиб бориң.)

- Носоз газ жиҳозларини ўзбошимчалик билан тузатманг ва улاردан фойдаланманг;

- Газ сизиб чиқиб ҳолатида уни олов билан текширманг;

- Бундан ташқари, газ асбобларига резина шланг ва шунга ўхшаш қўлбола воситаларни улаш ва очиқ газ жиҳозларидан хонани иситиш мақсадида фойдаланиш қатъиян ман этилади.

Эътиборсизлик, лоқайдлик натижасида газдан заҳарланиш фожиаи оқибатларга олиб келиши, газ иситиш асбобларидан нотўғри фойдаланиш тўғрисидаги қўнғироқнинг эса катта хавфга сабаб бўлиши ҳамда жамиятга моддий зарар етказиши мумкин.

Газ билан боғлиқ ёнғин ёки заҳарланишлар содир бўлганда қуйидаги шовилчин телефон рақамларига қўнғироқ қилинг:

101-ёнғин хавфсизлиги,  
104-Авария диспетчерлик хизмати.

"Hududgaz Poytaxt" газ таъминоти филиали матбуот хизмати.

## ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



ГАРАНТИЯ 1 ГОД

- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- ▶ Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.
- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.  
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

### ЭЪЛОН

#### Тошкент давлат шарқшунослик университети 2020-2021 ўқув йили учун қуйидаги вакант лавозимларга танлов (конкурс) эълон қилади:

1. Араб филологияси кафедраси: ўқитувчи-стажёр - 1 ўрин, ўқитувчи - 1 ўрин, катта ўқитувчи - 1 ўрин, доцент - 1 ўрин;
2. Эрон-афгон филологияси кафедраси: ўқитувчи-стажёр - 1 ўрин, катта ўқитувчи - 1 ўрин;
3. Мумтоз филология ва адабий манбашунослик кафедраси: ўқитувчи-стажёр - 1 ўрин, катта ўқитувчи - 1 ўрин, доцент - 1 ўрин;
4. Таржиманшунослик ва халқаро журналистика кафедраси: ўқитувчи-стажёр - 1 ўрин, ўқитувчи - 1 ўрин, катта ўқитувчи - 1 ўрин, доцент - 1 ўрин, кафедра мудири - 1 ўрин;
5. Шарқ мамлакатлари адабиёти ва қиёсий адабиётшунослик кафедраси: катта ўқитувчи - 1 ўрин;
6. Шарқ мамлакатлари тарихи ва антропологияси кафедраси: катта ўқитувчи - 1 ўрин, кафедра мудири - 1 ўрин;
7. Марказий Осиё халқлари тарихи ва этнологияси кафедраси: ўқитувчи-стажёр - 1 ўрин, катта ўқитувчи - 1 ўрин;
8. Манбашунослик ва тасаввуф герменевтикаси кафедраси: катта ўқитувчи - 1 ўрин, кафедра мудири - 1 ўрин;
9. Педагогика ва психология кафедраси: ўқитувчи - 1 ўрин, катта ўқитувчи - 1 ўрин;
10. Шарқ мамлакатлари иқтисодиёти кафедраси: ўқитувчи-стажёр - 1 ўрин, доцент - 1 ўрин, профессор - 1 ўрин;
11. Шарқ мамлакатлари сиёсати ва халқаро муносабатлар кафедраси: ўқитувчи-стажёр - 1 ўрин, профессор - 1 ўрин;
12. Ташқи иқтисодий фаолият ва туризм кафедраси: ўқитувчи-стажёр - 1 ўрин, ўқитувчи - 1 ўрин;
13. Математика ва ахборот технологиялари кафедраси: ўқитувчи-стажёр - 1 ўрин, ўқитувчи - 1 ўрин;
14. Хитой филологияси кафедраси: ўқитувчи-стажёр - 1 ўрин, доцент - 1 ўрин;
15. Хитой тарихи, маданияти, сиёсати ва иқтисодиёти кафедраси: ўқитувчи-стажёр - 1 ўрин, доцент - 1 ўрин, профессор - 1 ўрин; кафедра мудири - 1 ўрин;
16. Корейс филологияси кафедраси: ўқитувчи-стажёр - 1 ўрин, ўқитувчи - 1 ўрин;
17. Корей тарихи, маданияти, сиёсати ва иқтисодиёти кафедраси: ўқитувчи-стажёр - 1 ўрин;
18. Япон филологияси кафедраси: ўқитувчи-стажёр - 1 ўрин, катта ўқитувчи - 1 ўрин;
19. Япония тарихи, маданияти, сиёсати ва иқтисодиёти кафедраси: ўқитувчи-стажёр - 1 ўрин, катта ўқитувчи - 1 ўрин;
20. Турк филологияси кафедраси: ўқитувчи-стажёр - 1 ўрин, катта ўқитувчи - 1 ўрин, доцент - 1 ўрин;
21. Туркий халқлар тарихи, маданияти, сиёсати ва иқтисодиёти кафедраси: ўқитувчи-стажёр - 1 ўрин;
22. Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси: катта ўқитувчи - 1 ўрин, доцент - 1 ўрин;
23. Ғарб тиллари кафедраси: ўқитувчи-стажёр - 1 ўрин, ўқитувчи - 1 ўрин, катта ўқитувчи - 1 ўрин, кафедра мудири - 1 ўрин;

#### ҲУЖАТЛАР:

1. Ректор номига ариза;
2. Шахсий варақа (рангли фотосурат билан);
3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида диплом, малака ошириш сертификатлари;
4. Белгиланган талабларга кўра эгаллаш лавозими асосида тегишли мутахассислик бўйича маъруза ўқишда чет тили (инглиз, немис, француз тили) ва инфорацион технологиялардан фойдаланиш кўникмаси (сертификат ва малака ошириш курслари асосида);
5. Тасдиқланган илмий ва илмий услубий ишлар рўйхати.

Манзил: 100060, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз кўчаси, 25 уй.  
Мурожаат учун телефонлар: 71-233-44-36; 71-233-02-38.

Тошкент давлат шарқшунослик университети жамоаси японшунослик факультети декани Элёр Матчоновга отаси Ўзбекистон халқ шоири **Омон МАТЧОНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши Ўзбекистон ХДП Хазорасп туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Машъал Вансовга отаси **Ислом ВАИСОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

## O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:

Bosh muharrir **Safar OSTONOV**

Tahrir hay'ati:

|                   |                         |                      |
|-------------------|-------------------------|----------------------|
| Ulug'bek INOYATOV | Qalandar ABDURAHMONOV   | Hayotxon ORTIQBOYEVA |
| Ulug'bek VAOYEYEV | Gulliston ANNAJILICHEVA | Toshtemir XUDOYQULOV |
| Mahmud TOIR       | Musiliddin MUHIDDINOV   |                      |



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Qabulxona — (71)233-65-45  
Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56  
Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55  
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1151. 1748 nuxxada bosildi.  
Nashr ko'rsatkichi — 220.  
t — Tijorat materiallari  
O'zA yakuni —  
Topshirilgan vaqti — 21:00.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:  
**Nurullo O'NSTONOV**  
Sahifalovchi-dasturchi:  
**Bezkod ABDUNAZAROV**



1 2 3 4 5